

Илму ҳунар
елга эмас,
элга.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ мақоли

1931-yildan chiqra boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 28-aprel, shanba № 34 (8475)

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси минтақамиздаги энг йирик ахборот ва маданият марказидир



"Хар ишки қилмиш одамизот, тафаккур бир-ла билмиш одамизот". Шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг ушбу теран маъноли сатрларида башарият тараққиёти учун билим нечоғлик улкан аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳақиқат мужассамдир. Инсоният томонидан неча асрлар давомида тўпланган билим ва орттирилган тажриба бугунги ҳамда келажак авлод-

ларнинг бебаҳо бойлиги, улкан маънавий ҳамда маданий мероси ҳисобланган китобларда жамланган. Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ахборот ва маданият маркази бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ушбу интеллектуал бойликнинг ноб ҳазинаси ҳисобланади.

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янги, янада теран маъно-мазмун билан бойитилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан халқимизнинг маънавий, илмий ва маданий салоҳиятини асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш демократик давлат ва жамият қуриш



йўлидаги муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Шу сабабли давлатимиз раҳбари ахборот-кутубхона муассасалари, биринчи навбатда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЯНГИ ҒОЛИБЛАР НОМИ АНИҚ БЎЛДИ

Газетамизнинг ўтган сониди «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2012» республика кўрик-танловининг илк ғолибларини эълон қилган эдик. Кеча танловнинг биология, меҳнат таълими, география, иқтисодий билим асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, тасвирий санъат, музика маданияти ва жисмоний тарбия фанлари бўйича энг сара тажрибалар майдонга чикди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқитувчилар биология, меҳнат таълими, география фанлари бўйича ўз билим, маҳорат ва тажрибаларини намоён қилиш эди. Хайрат аъзола-ри танлов иштирокчилари-

нинг барчаси ижодий ишларда мавзунини тўлиқ ва батафсил ёрита олгани, фикр-баён қилишда аниқ ва таъсирчан ёндашувга эриш-шаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йилги танловда ўқитувчиларнинг барчаси АКТдан унумли фойдалана билиш қобилиятини намоён

этаётганини ҳам алоҳида айтиш мумкин.

— Ижодий иш ва суҳбатдан ижобий натижага эришган педагоглар дарс ишланмалар яратиб, шу асосда нотаниш синфда маҳорат билан сабоқ беришди, — дейди ҳакамлар хайъати аъзоси, 240-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳноза Муҳаммедова. — Ўқитувчилар дарс жараёнида ўқувчилар оғзаки нутқининг равлонлиги, қўл меҳнатининг бежирим ва бетакрор чиқишига аҳамият беришди.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**МАЪНАВИЯТ
ТАРФИБОТ-
ЧИСИ —
ЭЗГУЛИК
ТАШВИҚОТ-
ЧИСИ**

2-бет

**БИТИРУВ-
ЧИЛАР
ТАҚДИРИГА
БАРЧА
МАСЪУЛ**

5-бет

XOTIRA — ULUG' QADRIYAT

ta'lim muassasalarida «9-may — Xotira va qadrlash kuni» bayramini nishonlash bo'yicha tavsiya

6-бет

ЯНГИ ҒОЛИБЛАР НОМИ АНИҚ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундан ташқари, электрон дастурлардан самарали фойдаланиб, ажратилган фурсат мобайнида кўпроқ ахборот етказишга уринганлари, психологик машқлар ёрдамида болаларнинг толиқмаслигини инobatга олганлари ҳам эътиборга моликдир. Масалан, Бухоро вилояти вакили Наргиза Тўхтаева биология фанидан «Хужайраларнинг элементар таркиби» мавзусини слайдлар ёрдамида тушунтириб берди.

Билим ва маҳорат жиҳатдан мурасиз кечган бахсларда ғолибларни аниқлаш ҳам осон эмас. Вилоятлардан келган сара ўқитувчилар орасидан биология фани бўйича Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 57-мактаб ўқитувчиси Озода Ўринова, меҳнат таълими фани бўйича эса Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Дилбар Мираҳмедова ғолиб бўлди.

Яккасарой туманидаги 73-умумтаълим мактабида иқтисодий билим асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчилари ўзаро баҳслашишди. Маълумки, мазкур фанлар юқори синфларда ўқитилади. Шу боис ўқитувчилар юқори синф ўқув-

чилари билан ишлашда тезкорлик, мавзу доирасида кенгрок маълумотлар бериш борасида яхшигина тажрибаларни намойиш этишди. Хусусан, Бухоро шаҳар 17-мактаб ўқитувчиси М.Муҳсинова 9-синфда ўтган «Жаҳон иқтисодиёти муаммолари» мавзусидаги дарс оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидаги маълумотлардан самарали фой-

Шундай қилиб, маҳорат синовининг энг маҳоратли ғолиблари сараланди: давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси Зайнобиддин Абдурахмонов, иқтисодий билим асосларидан Бухоро шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Меҳринисо Муҳсинова 1-ўринни кўлга киритди.

«Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2012»

даланилгани билан ажралиб турарди. Тожикистондаги алюминий заводнинг юртимиз иқтисодиёти, флораси ва фаунасига кўрсатаётган зарари, Япониядаги АЭС фожеасининг оқибатлари бўйича ҳам синф жамоаси гуруҳларда ишлаб, «ФСМУ» усулида мустақил фикр билдиргани мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Шу каби самарали тажрибалар давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиларидан Андижон вилояти вакили Ф.Ўрмонбоева, Самарқанд вилояти вакили Ш.Тоғаев, Наманган вилояти вакили З.Абдурахмонов ва пойтахт шарафини ҳимоя қилган Ш.Тургунова дарсларида ҳам ажол кузатилди ва эътирофга сазовор бўлди.

Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом улғайишида, маънавий дунёқарашининг шаклланишида жисмоний тарбия, мусиқа маданияти ҳамда тасвирий санъат фанларининг ўрни алоҳида эканини ортиқча гапириб ўтиришга ҳоҷат бўлмаса керак. Шу боис ўқитувчиларнинг маънавий олами, истеъдоди, иқтидорли ўқувчиларни илғаб олиш маҳоратига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия ўқитувчилари турли жисмоний машқларни, халқ ўйинларининг мазмун-моҳиятини ҳам назарий, ҳам амалий исботлашга ҳаракат қилган бўлса, тасвирий санъат ўқитувчилари ўз расмийлик маҳоратларини бир-бирдан сержило ва мазмун-



ли асарлари билан намойиш этишди. Ғолибликка эса тасвирий санъат фанидан Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 28-мактаб ўқитувчиси Албина Низомиддинова, жисмоний тарбиядан пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 237-мактаб ўқитувчиси Абдулаҳад Аҳмадалиев, мусиқа маданияти фанидан ҳам Тошкент шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Зулфия Зокирова муносиб топилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
Насиба ЭРХОНОВА,
Ғолибжон БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ – ЭЗГУЛИК ТАШВИҚОТЧИСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлово ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ислох этиш, баркамол авлодни во-яга етказиш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаши йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу ҳамюртларимизнинг дунёқарashi ва тафаккурдаги туб ижобий ўзгаришларда, соғлом ва мустақил фикрловчи, қатъий граждандлик позициясига эга на-вқирон авлоднинг жамиятга дадил кириб келишида муҳим омили бўлмоқда.

Таълим-тарбия, санъат ва маданият масканлари, ахборот-ресурс марказларининг фаолияти замон талабига биноан тақомиллаштирилмоқда. Таълим тизимининг барча бўғинларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани замонавий педагогик ва ах-

борот технологиялари асосида пухта ўқитилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Республика Маънавият тарғибот маркази фаолиятида ёшларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, уларни миллий ҳаёт тарзими-мизга зид ва бегона бўлган зарарли ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирини ҳимоялаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, устувор йўналишлари, ислохотларнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, қонун ҳужжатлари ва ижтимоий дастурлар хусусида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, ҳозирги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларининг мунтазам олиб борилаётгани ёшларнинг билим ва тафаккурини янада бойитмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан марказ томонидан маънавият тарғиботчилари, олимлар, санъаткорлар, спорт намоянда-лари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси,

барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган истиқлолиятини кўз қорачи-дек асраб-авайлаш, янада мустақамлаш, бебаҳо неъматларнинг қадрига етишга даъват этувчи учра-шувлар, маърифий тадбирлар кўлами янада кенгаймоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридан инсоннинг қалби ва

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш алоҳида таъкидланган. Зеро, ота-она, оила ва маҳалла, миллий гуруҳ, ёшларнинг Ватан, жамият олдидаги бурчи ва масъулияти билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод онгига сингдириш ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоалар фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бораши, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълими

маркази билан ҳамкорлик-да ўтказётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлово жароянида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Танлов доирасида кўпчилик, аниқсая, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлган, улар қалби ва онгидан Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга хурмат туйғуларини мустақам қарор топтиришда фаоллик

кўрсатаётган маънавият тарғиботчилари ишини омма-лаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилояти Марғилон шаҳри бўлими раҳбари Дилноза Эргашева, Жиззах ҳуқуқшу-нослик коллежи директори Элдор Шермонов, Самарқанд давлат университети кал-федра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Фарҳод Набиев, Бухоро ту-манидаги 53-ихтисослашти-рилган мактаб-интернат ди-ректорининг ўринбосари Дилбар Ҳайитова, Самарқанд шаҳри Сўзгарон тиб-биёт коллежи ўқитувчиси Сирож Ҳамроев, Олмалик шаҳри маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Тур-суной Исмиёминова, «Тасви-рий ойна» ижодий уюшма-сининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Феруза Холмирзаева, Шах-рисабз тумани Чоштепа ма-ҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Рўзимурод Алиев, Тошкент давлат иқтисодий университети магистри Самариддин Бер-

диев, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Элёр Носиров, Тошкентда-ги Уйғур миллий маданий маркази раиси, Республика Байналмилал маданият мар-кази қошидаги «Дўстлик на-волари» ансамбли бадиий раҳбари Ҳалима Баротова, Миллий телерадиокомпани-янинг «Тошкент» канали «Му-лоҳаза учун» кўрсатуви му-аллифи, журналист Сайёра Абдуллаева жорий йилги танловда ғолиб деб топил-ди.

— Ўқувчи-ёшлар навни-холга ўхшайди, — дейди Самарқанд шаҳри Сўзгарон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сирож Ҳамроев. — Уларнинг дунёқарashi ва маънавиятини тўғри шакл-лантиришда маънавий тар-ғибот ишлари муҳим ўрин тутати. Коллежимизда ёшларга оқилон бериш, бўш вақтини оқилона ташкил этиш мақсадида фан, бади-ий ижодиёт, спорт тўғррак-лари фаол иш олиб бормоқ-да. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитиш, музейлар, тарихий масканлар, истиқ-лол йилларида барпо этил-ган иншоотларда маърифий машғулотлар, очик дарс-ларни ўтказишга маънави-ят тарғиботчилари, маҳал-лалар фаоллари, олимлар кенг жалб этилмоқда. Оила, коллеж ва маҳалла ўртаси-да узвий ҳамкорлиқнинг кенг йўлга қўйилгани ҳам маънавий-маърифий иш-ларни юксалтиришда яхши самаралар бермоқда.

Тадбирда танлов ғолиб-ларига диплом ва эсдалик соғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг ташаббуси билан 2011 йили пойтахтимизда "Маърифат маркази" комплекси барпо этилди. Ундан Ўзбекистон халқига Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға бўлган Миллий кутубхона ҳам жой олди. Энг илгор технологиялар асосида қад ростлаган ушбу ноёб комплекс мамлакатимизда жамиятимизда маънавиятнинг ўрнини юксалтириш, маърифатни ривожлантиришга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2012 йил 20 март куни қабул қилинган "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, кутубхона тузилмаси янгиланди, унинг бўлимлари ва хизматлари иши тако-

минланган, ҳаво намлиги ва ҳарорати бир маромда сақланади.

Кутубхонага келган одам кун бўйи бу ерда бўлиши мумкин. Шу сабабли китобхонларнинг дам олиши учун ҳам шароитлар кўзда тутилган. Кутубхонадан кафетерий, киномарказ, китоб дўкони, кўрғазма зали, китоблар музейи, ота-оналар болаларини қолдириши учун мўлжалланган хона, интернет ва медиа-марказлар, дам олиш зоналари ўрин олган.

Мамлакатимиз бош кутубхонасининг фонди ҳақиқатан ҳам ноёбдир. Бугун фондда қарийб 10 миллионга китоб, шу жумладан, 3,5 миллионга миллий нашрлар бор. Бу ерда тўпланган алоҳида қимматга эга китоблар, нодир ва қадимий нашрлар, қўлёзмалар, литографиялар кутубхонанинг фахри ҳисобланади. Фондда буюк олимларимиз ва мутафаккирларимизнинг XI ва ундан кейинги асрларга оид қўлёзмалари авайлаб сақлан-

тажриба ҳисобга олинган ҳолда, ўқув залларини ихтисослаштириш ҳамда жойлаштириш такомиллаштирилди. Фонднинг электрон шаклга ўтказилган қисмидан фойдаланиш имконини берадиган электрон кутубхонанинг ихтисослашган зали, матн, овоз, графика ва тасвирларни акс эттирадиган мультимедиа технологиялари зали ташкил этилди. Бу ерга ўрнатилган интерфаол маълумотхона панели ва дўконлари ўқув залларининг жойлашуви, муайян китоб, келган янги китоблар, таклиф этиладиган хизматлар ҳақидаги зарур маълумотларни мустақил ҳамда тез топиш имконини беради. Бундан ташқари, барча йигирмата ўқув зали, шунингдек, уларга туташ жойларда симли ва симсиз технологиялар орқали электрон каталог ҳамда интернетдан фойдаланиш таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, Миллий кутубхона таркибидан Респуб-

лич кутубхонага келишга оид таклиф китобхонанинг шахсий электрон почтасига жўнатилади. Келгуси йилдан бошлаб эса янги хизмат йўлга қўйилди, яъни китобхонлар айрим китобларнинг электрон нусхасини бевосита ўз компьютерида олиш имкониятига эга бўлади.

Яқин вақт ичида "Proquest", "Springer", "Emerald" ва "Ebsco publishing" каби дунёдаги йirik электрон кутубхоналар ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган компаниялар билан уларнинг тўлиқ матнли маълумотлар базасига уланиш тўғрисида шартномалар тузиш режалаштирилмоқда. Ҳар бир китобхон Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ўқув залидан «он-лайн» режимида турли мамлакатларнинг илмий-тадқиқот, маълумотлар, таълим ва бошқа адабиётлари, шунингдек, даврий нашрлари билан танишиши мумкин.

Кутубхонанинг улкан фонди мамлакатимизда чиқаётган

лар учун намунали низоми, услубий-библиографик қўлланмалар ва бошқа мақсадли ҳужжатларни янада кенг жорий этиш ҳисобидан такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ахборот-кутубхона фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, кутубхона ҳузурида ташкил этилган иккита янги бўлинма зиммасига Ўзбекистон Китоб палатасининг миллий библиография ва давлат библиография ҳисобини юритиш, мамлакатимизда чоп этилаётган китобларга SBN, даврий нашрларга ISSN халқаро стандарт рақамини олдириш ва масъулиятли вазифаларни қўйди, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг ўринбо-

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

*Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
минтақамиздаги энг йирик
ахборот ва маданият марказидир*

миллаштирилди, вазифалар қўлами кенгайтирилди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим олиш, таълим, маънавий-маърифий ва маданий эhtiёжларини ҳар томонлама қондириш учун шароит ҳамда ахборот-ресурс базасини ташкил қилиш, миллий маданиятни тиклаш ва янада ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихий меросини асраб-авайлашга қўмаклашиш шулар жумласидандир.

Кутубхона биносининг умумий майдони — 25 минг квадрат метр. Китоблар сақланадиган махсус хоналари 9 минг ва ўқув заллари 3 минг квадрат метрдан ортқ жойни ташкил этади. Бино энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда ҳамон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ва кутубхона иши жараёнини автоматлаштириш тизими, китобларни автоматик етказиб берадиган телелифт ҳамда юк кўтаргич, шунингдек, энг янги наشريёт-матбаа ва нуска қўчириш ускуналари ўрнатилган. Буюртмаларни қабул қилиш ва тезкорлик билан бажариш учун компьютерлаштирилган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган.

Ноёб китоб фондиди яхши сақлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Кутубхона замонавий ўт ўчириш, ҳаво алмаштириш, видеокузатув, иситиш, ёритиш тизимлари, IP-telefoniya билан таъ-

моқда. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаётлиги пайтида хаттотлар томонидан қайтадан қўчирилган асарлари кутубхона коллекциясининг дурдонасидир. Кутубхона фондининг катта қисмини XVI-XIX асрларда дунёнинг қўлаб тилларида чоп этилган китоблар ташкил этади. Шунингдек, бу ердан Машраб, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби қўлаб ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари, мамлакатимиз тарихига оид адабиётлар ўрин олган.

Бугун бу бойлиқдан барча баҳраманд бўлиш имкониятига эга. Янги бинода жойлашган кутубхона атиги икки ой олдин очилган бўлса-да, ўтган қисқа вақт мобайнида 11 мингдан ортқ китобхонунга аъзо бўлди. ҳолбуки, илгари бир йилда ҳам шунча одам эзилмас эди. Фойдаланувчилар сони эса ҳар куни қарийб 300 кишига қўлаймоқда. Ҳозир китобхонлар сони 35 минг кишига етди, уларга 40 мингдан ортқ китоб берилди. Шуниси эътиборлики, кутубхонага келувчиларнинг аксариятини билим олиш, замонавий касбларни эгаллаш, ўзининг интеллектуал салоҳиятини оширишга интилаётган ёшлар ташкил этади. Бунинг учун эса кутубхонада барча шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда барча жаҳаларда кенг қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани кутубхона фойдаланувчилари учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда. Уларнинг эhtiёжи ва халқаро



лика жамланма электрон каталог маркази ҳам жой олган. Ушбу асосда мамлакатимизнинг электрон кутубхонага эга ҳар бир ахборот-кутубхона муассасасида қандай адабиётлар мавжудлигини билиб олиш имконини берадиган маълумотларни тақсимлаш базаси яратилмоқда.

Бугун ҳар бир китобхон мамлакатимизнинг қайси тумани ёки ер шарининг қайси бурчадаги бўлишидан қатъи назар, Миллий кутубхона ресурсларидан унинг сайти орқали кенг фойдаланиши мумкин. Бу ерда фондларнинг электрон каталоги ва рақамли форматдаги тўлиқ матнли кутубхона жойлаштирилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча китоблари, маърузалари ва нутқларига кенг ўрин берилган. Сайтнинг электрон кутубхонасида Алишер Навоийнинг 20 жиллик асарлари тўплами ва қатор илмий-таълим йўналишидаги нашрлар мавжуд. Сайт ресурсларини кенгайтиришга доир ишлар давом эттирилмоқда. Сайтта кирган киши зарур китоб учун буюртмани расмийлаштириши мумкин. Буюртманинг бажарилгани ҳақидаги жавоб ва нашр билан танишиш

барча нашрлар ва ҳимоя қилинган илмий ишлар нусхалари, шунингдек, сотиб олинган, обуна бўлинган, алмашилган, бегараз тақдим этилган миллий ва хорижий адабиётлар, аудио ҳамда видео материаллар билан мунтазам тўлдириб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси МДХнинг 12 мамлақати, Болтиқбўйи, Миср, Эрон ва Польшанинг кутубхона муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ресурслар марказлари билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Ҳамкорлар билан қўшма тадбирлар, конференциялар, семинарлар ўтказилмоқда, мутахассислар ҳамда ахборот алмашинуви амалга оширилмоқда.

Бугун Миллий кутубхонанинг вазифалари анча кенгайган. У мамлакатимиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун мувофиқлаштирувчи ва услубий марказ вазифасини ҳам ўтамоқда. Кутубхона ҳузурида ташкил этилган Республика услубий кенгаши кутубхоналар фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларини, алоҳида кутубхона-

сари Алишер Эшматов. — Бугун кутубхонамиз ахборот-кутубхона фаолияти ва уни янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим бўгинлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Кутубхонанинг замонавий даражада фаолият кўрсатиши учун энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган шароитлар яратилган. Бундай ғамхўрлик Президентимиз Исрол Каримов томонидан узлуқсиз таълим тизimini ташкил этиш, юксак маънавий мақсадга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка дая қарайдиган собитқадам баркамол ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин далилидир. Бундай фазилатларнинг барчаси пухта билим олиш жараёнида шаклланади. Бунинг учун эса мамлакатимизда кенг шарт-шароитлар яратилган. Бунга халқимиз ва жаҳон цивилизациясининг улкан маънавий, илмий ва маданий мероси кўз қорачигидек асраб-авайланаётган Ўзбекистоннинг бош кутубхонаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири



❖ Карши шахрида «Оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши қафолатлари» мавзусида минтакавий давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари вакиллари, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар судлари судьялари, вилоятлар прокуратуралари, ички ишлар ва адлия бошқармалари, хотин-қизлар кўмиталари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатиде «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Шералиев, «Оила» илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Х. Мамадалиева ва бошқаларнинг «Оила мустаҳкамлигида ўзини ўзи бошқариш органларининг роли», «Мустаҳкам оила — соғлом жамият асоси», «Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг қонуний асослари» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

❖ Сирдарё педагогика коллежиде ташкил этилган «Ойиқ эшиклар кўни»га умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари таклиф этилди.

Улар мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, ахборот-ресурс маркази, ўқув-лаборатория хоналари, спорт макмуаси ва талабалар тураржойида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

— Ўқувчиларимизни касба йўналиштириш мақсадида касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз, — дейди Сирдарё туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шафрат Солиева. — Ташкил этилаётган бундай тадбирлар яхши самара берапти. Мухими, 9-синф битирувчилари ўқини қайси коллежда давом эттириш борасида қатъий қарорга келмоқда.

Бундай тадбирлар вилоятдаги бошқа касб-хунар коллежларида ҳам ўтказилаётди.

❖ Нукусда қурилиш-архитектура соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетиде ўтказилган тадбирда талаба-ёшлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мутахассисларининг бунёдкорлик ишларида пишиқ, енгил ва сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланиш, замонавий меъморий услубларни қўллаш борасида олиб бораётган тадқиқотлари ўрганилди.

Шундан сўнг талабалар томонидан замонавий ва миллий архитектура-қурилиш соҳасида ишланган лойиҳалар намойиш этилди.

❖ Андижонда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вилоят кенгаши ташаббуси билан Андижон давлат университетида «Она табиятга меҳрли бўлайлик» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Экоҳаракат фаоллари, Табиатни муҳофаз қилиш кўмитаси мутахассислари, экология йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, университет ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера, сув ва ер ресурсларини зарарли чиқиндилардан муҳофаз қилиш, биологик хилма-хилликни асраш ва тиклаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим тизимини тақомиллаштириш, экологик вазиятни соғломлаштиришда ёшлар фаоллигини ошириш масалалари атрофлича муҳофиза этилди.

Тадбир доирасида ташкил қилинган талабалар беллашувида ёшлар экологик билимини яна бир бор синовдан ўтказди. Ғолиблар ва фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди.

❖ Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Китоб, менинг дўстимсан!» мавзусида тадбир ўтказилди.

Кечада ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Хорхе Эспинал, ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар тармоғи мутахассислари ҳамда ота-оналар иштирок этди. 23 апрель — «Халқаро китоб ва муаллифлик кўни» муносабати билан ташкил қилинган тадбирда муталаанинг аҳамияти, китоб маданияти бойликларининг авлоддан-авлодга етиб боришининг асосий воситаси экани, ҳозирда интернетга кенг қамровли маълумотлар манбаи сифатида қаралса-да, барибир китобнинг ўрнини боса олмаслиги алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг ўқувчилар ўзбек, инглиз ва рус тилларида китобга муҳаббат руҳида тайёрлаган дастурлар, саҳна кўришлари намойиш этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

Самарқанд вилоят Ёшлар марказида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция тавсияларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда олий ва ўрта-махсус, умумий ўрта таълим тизимидаги ислохотлар, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни таълим тизими билан уйғунлаштириш мавзуларида атрофлича фикр-мулоҳаза билдирилди.

— Таълим-тарбиянинг асоси оиладан бошланади, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаров. — Шу боис мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада кучайти-

ришимиз лозим. Узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда эса мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорлик ўрнатишлари — давр талаби. Вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари бу ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

АКАДЕМИЯДА ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Ибн Сино жамоат фонди ва унинг Хоразм вилоятидаги бўлими ҳамда Хоразм Маъмун академияси ҳамкорлигида Хива шаҳрида илмий анжуман ўтказилди. «Хоразм Маъмун академияси: Ибн Сино» мавзусидаги семинарда долзарб масала — инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда мамлакатимизда мавжуд бой меросни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг муҳофиза, баҳс-мунозаралар бўлди.

Анжуман иштирокчиларига янги топилган манба — Ибн Синонинг Бағдод уламоларига мактуби ўқиб эшиттирилди. Ушбу ноёб мaktubда тиббиёт фани асосчисининг инсон саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш борасида гоят жонқуярлик билан билдирган фикрлари ҳали-ханузгача ўз қадр-қимматини йўқотмагани, бундан буён ҳам дастуриламал бўлажги алоҳида таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққанлар Ибн Сино мероси ва

уни ривожлантириш омилини, машҳур алломанинг дунёдан олган «Тиб қонунлари» асарини моҳияти ва унинг таржималари, Ибн Сино таълимотида соғлом турмуш тарзи, баркамол авлодни тарбиялаш ва саломатлигини мустаҳкамлашда аллома асарларининг аҳамияти, қандли диабет ва бошқа касалликларни даволашда Ибн Сино усулидан кенг фойдаланиш, Хоразм Маъмун академиясида Ибн Сино фаолиятининг ўрганили-

ши каби муҳим мавзуларда маъруза қилишди. Анжуман ўзаро фикр алмашув, мулоқот, савол-жавоб асосида ўтди.

Анжуман иштирокчилари Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги «Меҳриғи» қорхонаси тайёрлаган шифобахш неъматлар кўргазмаси, Хоразм Маъмун академияси музейи ва ундаги Ибн Сино фаолиятига бағишланган махсус бўлим, Маъмун академияси доривор ўсимликлар богини кўздан кечирдилар. Қадимий ва навқирон Хива шаҳри ёдгорликларини томоша қилишди.

Анжуман материаллари Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномасида чоп этилди.

Феруза
ТАНҒРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИСТЕЪДОДЛИЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Марди майдон» кўшиқлар фестивали ёш истеъодларни кашф қилишда давом этмоқда. Фестивалнинг бу галгиси Ўзбекистон давлат консерваториясида кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

Эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш истеъодларни излаб топиш, уларни кенг жамоатчиликка танитиш, профессионал малакасини ошириш ва катта саҳналарда ўз санъатини намойиш этишига йўл очиб бериш мақсадида анъанавий тарзда ташкил этилаётган ушбу фестиваль «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «TerraGroup» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Тадбир аввалида фестиваль тафсилотларини ёритишда фаол қатнашиб келаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Кейин 2 нафар анъанавий ижрочилик ва 7 нафар эстрада йўналишида ижод қилаётган ёшлар ўз имкониятларини синаб кўрди. Санъат оламида ўз сўзини айтишга улгурган санъаткорлар ҳам меҳмон бўлдилар. Бу эса ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

— Фестивалда илк бор қатнашимиз, — деди хонанда Омадбек Аҳмаджонов. — Тўғри-син, жуда ҳаяжонландим. Чунки бизни томошабинлар орасида азиз устозларимиз ҳам кузатдилар.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, фестивалда қатнашган ёшлар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланади. Чунончи, энг яхши ижрочилар Мустақиллик, Наврўз байрамлари тадбирларида ва халқаро танловларда иштирок этишга тавсия этилади. Уларга молиявий кўмак, имтиёзли лицензиялар берилади. Яна бир янгиллик: Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан фестиваль лауреатлари ва фаол қатнашчилари иштирокида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистони!» гала-концертини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

НОАНЪАНАВИЙ ОЧИҚ ДАРС

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 297-умумий ўрта таълим мактабида туман инглиз тили фани ўқитувчилари учун семинар ташкил этилди.

Seminar

Ўқитувчилар У. Иноғомова, Г.Жовлиева ва мактабнинг инглиз тили услубий бирлашмаси раҳбари Ш.Ақбарова семинар қатнашчиларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялар воситасида ноанъанавий очик дарс ўтишди.

Айниқса, У.Иноғомованинг «Teaching vocabulary» мавзусида тил ўргатишнинг янги методикалари бўйича ўтган очик дарси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўқитувчи

дарсда «Word associations», «Spot the vocabulary» каби усуллардан фойдаланди. Шунингдек таъкидлаш керакки, дарс тарқатма матери-аллар, кўргазмалар, қўраллар ва мультимедиа воситасида жуда қизиқарли ва мароқли ўтди.

Шундан сўнг семинар қатнашчиларига чуқурлаштирилган синф ўқитувчилари Д. Азимова ва Ш.Қаландарова «Spring holidays» мавзусидаги саҳна кўришини тақдим этди.

Ўқув йилининг сўнги ойи бўлишига қарамадан, мактабда ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишини сўндирмаслик ва янада пухта билим олишлари учун бир қатор тадбирлар режалаштирилган. Чунончи, 5-6-синфлар ўртасида «Save the nature» мавзусида девор-ий газеталар танлови, 7-8-синфлар ўртасида инглиз тилидан «Think, search, Find» («Үйла, изла, топ!») беллашуви, 9-синфларда «My future profession» мавзусида иншолар танлови ўтказиш кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

БИТИРУВЧИЛАР ТАҚДИРИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Бу ҳақиқатни чуқур англаган ташкилот ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналари мутасаддилари мазкур масалага жиддий ёндашмоқда. Касб-хунар коллежларининг 3-босқичида таълим олаётган ўғил-қизларга малакавий амалиётни ўташ учун шарт-шароитлар яратилаяпти. Муҳими, аксарият битирувчилар амалиёт ўтаган корхоналарида ишга қолаётир.

ЎҚУВЧИ КОЛЛЕЖНИ ТАМОМЛАДИ у энди нима қилмоқчи?

— Бу ерда ҳамшира бўлиб ишлайман, — дея ўзини таништиради Наманган шаҳридаги шифохоналардан бирининг ходими Маҳмуда Раҳимова. — Наманган тиббиёт коллежини тамомлаб, ишга келганман. Шифохона ходимлари сафида меҳнат қилаётган тенгдошларим ҳам коллеж битирувчилари. Коллеж ва шифохона ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида биз амалиётни шу ерда ўтадик. Яхши ишлаганимиз учун ўқини битиргач, бизни шу ерга тақлиф этди.

Ҳа, Маҳмуда каби коллеж-ни битириб, республикамиз иқтисодиётининг турли тarmoqlarida меҳнат қилаётган ёшларни кўрганда қалбнинг ифтихорига тўлади. Бугун коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда.

— Вилоятимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилляпти, — дейди Наманган вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Курбонали Холиқов. — Худуддаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбаридан тортиб, туман, вилоят мутасаддилари ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ. Ўтган йили вилоятда 70 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса, шундан 35 мингга яқинига касб-хунар коллежи битирувчилари жойлашган.

Ўқувчилар ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, кейинчалик шу ернинг ўзида иш билан таъминланиши учун етти мингдан ортиқ корхона, муассаса ва ташкилотларга, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандлик корхоналарига бириктирилди.

2010—2011 ўқув йилининг Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиларидан 30 нафари «Намангантелеком», 8

нафари «Наманган почтаси» корхоналарига ишга жойлашган эди. Бу йил ҳар икки корхонага коллежнинг 50 нафар битирувчисини иш билан таъминлаш бўйича шартнома имзоланди.

— Коллежимизда автоматлаштирилган тизимларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва соғлаш йўналишида кичик мутахассислар тайёрланмоқда, — дейди Наманган туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича

юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

— «Микрокредитбанк»дан икки ярим миллион сўм кредит олиб, тикувчилик ательесини ташкил қилдим, — дейди Мингбулоқ педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт коллежи битирувчиси Юлдуз Абдуллаева. — Тикув дастгоҳи ва зарур анжомлар олиб, иш бошладик. Ўзим билан ҳисоблаганда ҳозирча уч киши ишли бўлди. Келгусида устaxonам-нинг кичик корхонага айлантиришни ният қилганман.

Айни кунларда 2011—2012 ўқув йили битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича амалий ишлар қизғин давом этмоқда. Жорий йилда 41880 нафар битирувчининг ишга жойлаштирилиши кўзда тутилган. Қолаверса, касб-хунар коллежларида 719та қўшимча касб бериш шохобчаси, жумладан, 89та иссиқхона, 82та тикувчилик устaxonаси, 62та гўзаллик салони, 69та компьютер хизмати, 37та фотостудия, 46та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Бу эса коллеж битирувчиларига эгаллаган мутахассислигидан ташқари яна қўшимча касб-хунарли бўлиш имконини бермоқда.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркалари, касблар фестивали ўтказиш режалаштирилган. Вилоят бўйича яратилиши кўзда тутилган 75 мингдан зиёд янги иш ўрнининг 33 мингдан зиёди битирувчилар учун махсус ташкил этилади. 470 нафардан ортиқ битирувчига эса 1 миллиард 600 миллион сўмлик микромолиявий ёрдам кўрсатилиши мўлжалланаяпти.

Хайрулло
АБДУРАХМОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Юнусобод радиотехника касб-хунар коллежида битирувчиларни иш билан таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иш бeрyвчи ташкилотлар вакиллари корхона ва ташкилотлардаги мавжуд иш ўринлари, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитларга тўғлиб, амалиётга бириктирилган ўқувчилар иш жараёнида одоби ва ҳулқи, касб-хунар эгаллашга интилиши тўғрисида гапиришди.

— Таълим муассасасида радиоллаштириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларига техник хизмат кўрсатиш, компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш, соғлаш ва ишлатиш, бухгалтерия

этишди. Назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштира олган битирувчиларимизни ўша ерда ишга олиб қoлишa-япти. Коллежни бу йил 316 нафар ўқувчи тамомлаётган бўлса, 312 нафари 282та корхона ва ташкилот билан тузилган уч томонлама шартномага асосан иш жойига эга бўлди. Бугунги кунда уларнинг меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Касб-хунар коллежида шу кунги 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан навбатдаги «Очиқ эшиклар кун»и ҳам ташкил этилди.

— Биз йил давомида туман

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БЕИЗ КЕТМАЯПТИ

ҳисоби ва менежменти, телекоммуникация ва алоқа тизимларини таъмирлаш, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик йўналишида кичик мутахассислар тайёрланади, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Муҳиддин Жўраев. — Жамoамиз ўқувчиларнинг зукo, билимли ва юксак маънавиятли, бир неча касб-хунар эгаси бўлиши учун жон куйдиради. Битирувчиларимиз «Электр мослашув маркази», «Зенит» заводи, «Ўзсанoаткурлишбанк»нинг филиаллари, «Elsun-sharob», «Лак колор синтез» каби ўндан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташ чоғида шундай фазилатларини яққол намоён

даги барча мактаб битирувчилари билан мулоқот олиб бордик, — деди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зокира Нeъматxoнoвa. — Коллеж ҳаётини акс эттирувчи видеоролик, деворий газета, буклетлар тайёрлаб, иштирокчиларга намойиш этдик. Иқтидорли ўқувчиларимиз ясаган ва яратган буюмлар, расмлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. 20866 нафар ўқувчи, 20447 нафар ота-она билан суҳбат олиб бордик. Учрашувлар натижасида бугунги кунга 163 нафар 9-синф битирувчиси ўз қизиқиши билан коллежимизда ўқиш истагини билдирди.

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Наргиза УТЕПОВА



ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ КАСБ-ҲУНАР

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Буну кун сайин кўпайиб бораётган хусусий, кичик ва қўшма корхоналар фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

Мен «Санжар Аслиддин» қўшма корхонасида ишлайман. 2009 йили ташкил этилган корхона дастлаб аҳолига 96 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган экан. 2010 йили бу кўрсаткич 154 миллионга кўтарилган. Ўтган йили эса аҳоли корхонада ишлаб чиқарилган 253 миллион сўмлик мебель жиҳозларини харид қилди. «Санжар Аслиддин» тамғаси туширилган мебелларни бугун нафақат Бухорода, балки қўшни Навоий, Самарқанд ва Хо-

разм вилоятларининг бозорларида ҳам учратиш мумкин. Қўшма корхонамиз фаолияти кенгайяпти. Айни дамда барча турдаги мебель жиҳозларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонамизда 14 нафар ишчи фаолият кўрсатади. Касбдошларим билан ишлаш мароқли. Ўтган ўқув йилида коллежни тугатиб, шу ерга ишга жойлашгандим. Бир неча ой мобайнида дастгоҳларда мустақил равишда ишлашни ўргандим.

Корхонамизда «Устоз-шогирд»

йўналишида ёшларга касб ўргатиш тизими йўлга қўйилган. Тажрибали ва маҳоратли устозларимиз Ҳабиб Гадоев, Шахло Мажидова, Хусниддин Бозоров янги келган ишчига сабр ва мадонат билан хунар сир-асорларини ўргатишаяпти.

Корхонамиз фаолияти кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Замонавий асбоб-ускуналарнинг олиб келингани қатор қулайликларни яратди. Масалан, мебеллар қопламасини кўлда бажарардик. Тўғриси, бу жуда кўп вақт талаб қилар, баъзан

маҳсулот ўзимиз истагандай сифатли чиқмасди. Яқинда замонавий дастгоҳлар харид қилинди. Энди бу юмушларни техника ёрдамида марoмига етказиб бир зумда бажараяпмиз. Мебелларни бўяш ишларини ҳам қўлда эмас, балки махсус дастгоҳлар ёрдамида тезда уddалаяпмиз.

Мен ана шундай корхонада ишлаётганимдан мамнунман. Уста бўлишни болаликдан орзу қилганман. Инсон қўллари мўъжизалар яратишга қодир. Бугун оддий тахтадан халқ хизмати учун чиройли, сифатли ва рўзгорбop буюмлар ясаётганимдан қувонаман.

Бахриддин ҚЎЗИЕВ,
Шофиркон қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг собиқ ўқувчиси

Faxr

«Soliq bilimlari bolalarga — 2012»

Бугунги ўқувчи эртага солиқ тўловчи шахсга айланади. Шу боис ҳам ёшларда солиқ маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Давлат солиқ кўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда «Сoliқ билимлари — болаларга» республика кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани замирида ҳам мана шу мақсад мужассам. Инчунин, аънавий кўрик-танловнинг иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунга тасдиқлаб турибди.

Уч босқичли кўрик-танловнинг якуний — республика босқичи Тошкент солиқ коллежида бўлиб ўтди. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар солиқ сиёсати, унинг

акс эттирилиши, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати» мавзусидаги иншо ҳамда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши компьютер тақдими номинациялари бўйича ўтказилди.

— Тайёргарлик жараёнида соҳага оид кўплаб адабиётлар мутлаа қилдим, ахборот технологияларига оид билимимни оширдим, — деди Урганч ижтимоий иктисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Бобур Атамуратов. — Бугун солиқ тўловчиларга янада кўпроқ имконият ва қулайликлар яратиб мақсадида соҳага ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. Бу бўлғуси

БИЛИМЛАР КЎРИГИ

солиқ маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшмоқда



солиқ хизматчисида замонавий билимларни ҳам талаб этади.

Танлов якунига кўра, 1—4-синф ўқувчилари ичида ХТВ ҳузуридаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Зухра Мақсудова солиқ мавзусини суратларда акс эттириб ғолибликни қўлга киритган бўлса, 5—9-синф иштирокчилари орасида шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Машраббек Равшанбеков соҳага оид ўзининг қизиқарли ҳожиеси билан биринчиликни эгаллади. «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иншо муаллифи Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Алишер Юлдашев, «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши компьютер тақдими номинациясида Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Саидмақал Исабоджа-лилов ғолибликни қўлга киритди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ОНА-ЗАМИННИ ЭЪЗОЗЛАШ — БУРЧ

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «22 апрель — Халқаро Ер кўни» муносабати билан «Геоэкология: муаммолар ва иштиқоблар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ялпи йиғилишида Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдугани Холбековнинг «Экологик таълим — халқ таълими тизимининг муҳим йўналиши», Ўзбекистон Миллий университети экология кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор Аскар Нигматовнинг уч муаммоси ЎЗМУ профессори, доктори Саидмурод «Дунё экологик манзараси ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотларнинг интегратив-универсал характери» ва бошқаларнинг долзарб муаммоларга бағишланган маърузалари тингланган, таъдир ўз ичиши «Геоэкологиянинг илмий-назарий муаммолари», «Халқаро Ер кўни»нинг таълимида акс этиш масалалари, «Табиати муҳофаза қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари» шўъбаларида давом эттирди.

Маърузалар, муҳокама ва мунозараларда она-заминни асраш ғоясини ёшлар онгига синдириш «Табиат — чекмасин азият», «Она-заминни эъзозлаш — бурч» тадбирларини ўтказиш, мактабларни кўкаламзор, чиройли масканларга айлантириш, экологияга оид дарсларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтиш, боқий қадриятларимиз моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб бериш, экологик ҳавфсиз ҳамда табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиладиган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, сув, ҳаво, тупроқни тоза сақлаш каби долзарб масалалар, улар ечимига оид фикрлар ўртага ташланди.

Илмий-амалий анжуман якунида иштирокчилар томонидан берилган саволларга апрофчи жавоб қайтарилди.

К.МАТҚУРБОНОВ

XOTIRA — ULUG' QADRIYAT

ta'lim muassasalarida «9-may — Xotira va qadrlash kuni» bayramini nishonlash bo'yicha tavsiya

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999-йил 12-майдаги фармойишига биноан, 9-май Xotira va qadrlash kuni sifatida nishonlanadigan bo'ldi. Hozirda ushbu ayyom o'tgan ajdodlarimizni xotirlash va mo'tabar zamondoshlarimiz hurmatini joyiga qo'yishda katta ahamiyat kasb etmoqda. Shu munosabat bilan ta'lim muassasalarida turli tadbirlar, uchrashuvlar, sport musobaqalari, xotira turnirlari tashkil etish maqsadga muvofiq.

TADBIR SENARIYSI

Maktab majlislar zali bayramga moslab bezatiladi. «O'tganlar yodi aziz», «Shahidlarning xotirasi mangu barhayot», «Ajdodlarning xotirasi muqaddas», «Xotira — ezigulik sabog'i» kabi shiorlar ilinadi.

Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari, mehnat faxriylari, baynalmilal jangchilar, nuroniy otaxonu onaxonlar, mahalla faollari, mahalliy hokimiyat vakillari taklif qilinadi.

Maktab rahbari tadbirni ochib, mehmonlar bilan tanishtiradi, so'ng Xotira va qadrlash kuni haqida qisqacha ma'lumot beradi. Tadbirning qolgan qismini o'quvchilar olib boradi. Musiqa sadolari ostida ikki boshlovchi davraga chiqib keladi.

I boshlovchi: — Xotira o'zlikni anglashga, o'tmishni doimo yodda tutishga da'vat etib turadigan muqaddas tuyg'udir, u orqali inson o'zida yaxshi xislatlarni qaror toptirib boradi.

II boshlovchi: — Biz «Millat», «Vatan», «Istiqloq» kabi so'zlarni hurmat bilan tilga olamiz. Ana shu tushunchalar haqida so'z yuritganda gapning bir uchi xotiraga borib taqaladi.

I boshlovchi: — Muqaddas tushunchalarning barchasi xotira bilan tirik. Xotira nafaqat o'tmishni unutmastlik, bugungi kunni to'g'ri tasavvur etish hamdir.

II boshlovchi: — Xotira insonni kelajakka ochiq ko'z bilan qarashga o'rgatadi.

I boshlovchi: — Qadrlash esa xonadonlarimizga fayzu baraka bag'ishlab, qilayotgan euzu ishlarimizga oq fотиha tilab turgan pirlu badavlat qariyalarimizning hurmatini joyiga qo'yishdir.

II boshlovchi: — Prezidentimiz Islom Karimovning farmoyishiga binoan, Vatan ozodligi va mustaqilligi uchun jon fido etgan bobolarimiz xotirasini abadiylashtirish, bugun ham el-yurtimiz farovonligini yuksaltirishga, yoshlarni tarbiyalashga hissa qo'shayotgan faxriylarning hurmatini joyiga qo'yish maqsadida 9-may — Xotira va qadrlash kuni keng nishonlanmoqda.

I boshlovchi: — Insonni e'zozlash, izzat-hurmat qilish, o'tgan ajdodlar ruhini ardoqlash, har bir fuqaroning Vatan oldidagi xizmatini qadrlash xalqimizning turmush tarzi, ruhiyati, an'ana va hayotiy odatlariga aylanmoqda.

(Bir necha o'quvchilar davraga chiqib, ayni mavzudagi she'rlardan o'qiydi.)

I boshlovchi: — Sobiq sho'rolar davrida 1937, 1953 yillari O'zbekiston bo'yicha 100 ming kishi qatag'onga uchrab, 13 ming nafari o'tib tashlangan.

II boshlovchi: — Insoniy qadr-qimmat toptalgan bu insonlar orasida nafaqat arab va ziyolilar, balki yuzlab oddiy insonlar, yurtimizda istiqomat qilayotgan deyarli barcha millat va elat vakillari bor edi.

I boshlovchi: — XX asrning 30-yillari Italiya va Germaniyada vujudga kelgan fashizm nafaqat italyan va nemis xalqining, balki dunyodagi millionlab insonlarning boshiga kulfat solgani barchamizga tarixdan ma'lum.

II boshlovchi: — Urush hech bir xonadonni chetlab o'tgani yo'q. Kimningdir

bobosi, yana kimningdir akasi yoki tog'asi urushda halok bo'lgan. 1941—1945 yillari respublikamizdan 1 433 230 nafar kishi frontga ketgan. Shulardan 263 005 nafari janglarda halok bo'lgan, 132 670 nafari esa bedarak ketgan.

(Tadbirda ishtirok etayotgan urush qatnashchilari, front ortida mehnat qilgan faxriylar va qiyinchilik davrlarini ko'rgan kexsa otaxon-onaxonlar yoshlarga o'z xotiralarini gapirib beradi.)

I boshlovchi: — Xotira va qadrlash kuni taqvimdagi tarixiy sanaga aylandi. Bu ayyomning keng miqyosda nishonlanishiga barcha davlat, nodavlat va jamoat tashkilotlari bosh qo'shishmoqda. Ushbu qutlug' sana munosabati bilan butun respublikamizda minglab urush va mehnat faxriylariga hurmat-ehtirom ko'rsatilmoqda.

II boshlovchi: — Urush dahshatlarini ko'rgan, istibod zulmini tortgan va istiqloq kunlariga yetgan faxriylar bilan uchrashuvlarda yoshlar ma'naviyati boyimoqda, qalblarda xotira va faxr tuyg'usi mustahkamlanyapti.

I boshlovchi: — Vatan qismatimiz, nomusimiz, orimizdir. Shu bois g'animlar tajovuz qilganda hamiyatli, g'ururli farzandlar oyoqqa turishgan. Ular Vatan himoyasi yo'lida jon olib, jon berishni mardlik deb bilishgan.

II boshlovchi: — 2000 yil avgust, sentabr oylari yurtimizning janubiy sarhadlarida dushman to'dalari bilan kechgan to'qnashuvlar hali hech kimning xotirasidan ko'tarilgani yo'q. Ona zaminni yovuz niyatli kuchlardan soqit qilish yana yurt o'g'lonlari zimmasiga tushdi va bu yo'lida bir necha mard yigitlar halok bo'lishdi. Bunday kunlar qaytib xalqimizning boshiga tushmasin.

(Maktabning san'at bo'yicha to'garagi a'zolari vatanparvarlik ruhida qo'shiqlar ijro etadi. Sport to'garagi a'zolari esa ko'rgazmali chiqishlar qiladi.)

I boshlovchi: — Davlatimiz rahbari Islom Karimov tashabbusi bilan Toshkent shahri va barcha viloyat markazlarida milliy me'morlik an'analari bo'yicha barpo qilingan Xotira maydoni xalqimizning milliy qadriyatlarini, o'tganlar ruhiga chuqur hurmatni o'zida mujassam etgan ziyoratgohga aylandi.

II boshlovchi: — El-yurtimiz ozodligi va erkinligi yo'lida, xalqimizning or-nomusini, milliy an'analarni va urf-odatlarimizni himoya qilishda, bosqinchi va yovuz kuchlarga qarshi kurashlarda qurbon bo'lganlar xotirasi avlodlar yodida umrbod saqlanib qoladi.

I boshlovchi: — Muhtarama mehmonlar, aziz ustozlar! Xotira va qadrlash kuniga bag'ishlab o'tkazilgan tadbirimizning tantanali qismini yakunlaymiz.

II boshlovchi: — Istardikki, xotira va qadr tuyg'usi hech birimizdan yiroqlashmasin, hamisha qalblarimizda aks-sado berib tursin!

RESPUBLIKA TA'LIM MARKAZI

ПЕССИМИСТ ВА
ОПТИМИСТ

— Кизим мактабдан паст баҳо олиб келса, бизга айтмасдан, тинмай дарс қилади. Хатто овқат ҳам емай қўйди. Буни кўриб, гоҳида кўриб кетаман. Лекин тиришқоқлиги ўз самарасини берапти. «2»нинг орқасидан кетма-кет «5» олади. Кизим танқиддан тўғри хулоса чиқаради, — дейди уй бекаси Дилноза Мўминова.

— Педагогика, аввало, бола психологиясини ўрганишдан бошланади. Ўқувчининг рухиятини тушунмасдан ёки билим-масдан баҳолаш нотўғри деб ҳисоблайман, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Нигора Жонпулатова. — Шундай ўқувчилар борки, доим ўзидан нозини кайфиятда юради. Агарда «2» қўйсам, умуман ўқишга қизиқмай қўяди. Гарчи ўзи «5» баҳога лойиқ бўлмаса ҳам, тенгдошлари олдида кўнглини кўтариш мақсадида яхши ҳаракат қилаётганини, кейинчалик аъло баҳо олиши мумкинлигини айтиб мактайдан. Кейин у ўзи билмаган ҳолда дарсларга қизиқа бошлайди.

— Инсон табиатан оптимист ёки пессимист бўлади. Бу ҳолат болалик чоғларидан шаклланиб, ўқиш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ёмон баҳо олгач, уни яхши-лашга ҳаракат қиладиган интилувчан ўқувчиларни оптимист тоифасига киритиш мумкин. Пессимистлар эса аксинча, ҳар нарсадан нозини бўлиб тушкун кайфиятда юради. Ёмон баҳолаганда умуман ҳаракатдан тўхтаб қолади. Ўқитувчиларнинг оптимист ўқувчилар билан ишлаши анча осон. Негаки, уларни олға ундаш учун ўринли танқид ижобий самара беради, — дейди психолог Гавҳар Мақсудова. — Пессимист ўқувчилар билан ишлаш эса мушкул, биргина салбий баҳо ҳам уларни дарсдан бездириши мумкин. Дарров «Кераксизман, қолоқман, ҳеч нарсасига қодир эмасман, бир ишни уддалай олмайман», дея қўлини қўлтигига уради бундайлар. Уларга вазият унчалик жиддий эмаслиги, агарда бирга ҳаракат қилинса, баҳони тез тузатиб олиш мумкинлигини тушунтириш лозим. Бундай болаларга ота-онасининг даласи ҳам жуда муҳим.

БАҲОМИ ЁКИ БИЛИМ?

Гоҳида болалар ота-онасиндан кўрққани учун олган паст баҳоларини ўзгартиради. Эътибор берилмаса, ўқувчи фақат шу билан чеklangиб, пухта би-

у бола руҳиятига таъсир этадими?

«2», «3», «4», «5» — бу рақамлар ўқувчилик йилларимизни ёдга солади. Эндигина мактабга бориб, вазифаларни бажарганимизда ўқувчининг қўйган баҳоси, ака-опаларимиз билан «5» олишга кимўзар ўйнашимиз, ҳар бир «5» учун ота-онамизнинг мактови ва рағбати ёдимиздан чиқмайди. Бошланғич синф ўқувчиларини кузатар эканмиз, «аъло», «яхши», «ўрта», «паст» баҳолари ҳар кимга ҳар хил таъсир қилишига гувоҳ бўламиз.

лим олишга интилмай қўйиши мумкин. Бундай пайтда урушмасдан ётиги билан тушунтириш яхши натижа беради. Акс ҳолда, бола учун билимдан кўра баҳо муҳимроқ бўлиб қолади ва кундалик дафтарини «5» га тўлиб кетса-да, билим даражаси кўтарилмайди.

— Мактаб даврида, айниқса, бошланғич синф пайти мен учун баҳо олиш афзал эди. Берилган вазифаларни тезда ёдлаб, «5»ларимни кўпайтирдим. Шу билан фахрланардим. Синфда мендан аълочи ўқувчи бўлмаган. Лекин олий ўқув юртига кира олмидим, — дейди ҳамшира Наргиза Эргашева. — Мендан сустрок ўқийдиган дўгоналарим эса институтга ўтиб кетди. Шу боис ҳозир фарзандимнинг баҳо эмас, билим олишга кўпроқ эътибор қарата-йяман.

ЕЧИМИ ЖАЗО ЭМАС

Бир танишимдан болаларининг ўқишини сўрасам, иккинчи синф қизининг ўзлаштириши ёмонлиги, баҳоларининг

пастлигидан шикоят қилиб қолди:

— Аноранинг кетма-кет паст баҳо олишидан хавотирга тушиб, кўп танбех бердим, тушунтирдим ва жазо усулларини қўллаб кўрдим, аммо фойдаси бўлмади. Аксинча, кизим мактабга боришни умуман хоҳламай қолди. Билсам, синфда «иккичи» деб ажратиб қўйишди.

Онанинг куёнишида жон бор. Синф жамоаси одатда паст баҳо олувчилар билан камроқ мулоқотда бўлишга интилади. Лекин бундай ўқувчиларнинг ҳаммасини ҳам билимсиз дейиш нотўғри. Уларнинг аксариятида шунчаки озғачи нутқ яхши ривожланмаган бўлади.

— Бола руҳияти жуда таъсирчан, уларнинг кайфияти атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга бевосита боғлиқ, — дейди Тошкент шаҳридаги 101-мактаб психологи Нигора Курганова. — Масалан, ўқувчининг «икки» баҳо қўйиши унда тушкун кайфият уйғотади. Оилада ҳам жазоланса, мут-

лақо ўқишдан бебади. Боз устига, тенгқурлари орасида ҳақоратланса, ўз-ўзидан билим олишдан совийди. Бундай пайтларда нима қилмоқ керак? Аввало, болани тушкун кайфиятдан чиқариб олиш лозим. Ўқувчи ота-онани огоҳлантириб, фарзандининг паст баҳо олиш сабабларини муҳокама қилиб, масалага ойдинлик киритиш керак. Ўқувчи кетма-кет ёмон баҳо олса, ўзини камситилгандек ҳис қилади ва жамоадан ўзини олиб қоча бошлайди. Ўқувчилар бу ҳақда мактаб психологига айтса, у ўқувчининг қандай феъл-атворга эга эканини тест ёрдамида аниқлаб, тегишли тавсиялар беради.

Яна шундай болалар борки, «аъло» баҳони кўп олгани боис, ўзига ишончи ортиб, дарсларга эътиборсиз бўлиб қолади. Бунга ҳам йўл қўймаслик керак.

ТЕЗ ЁДЛАНСА, ТЕЗ
УНУТИЛАДИ

Айрим ўқувчилар ўтилган мавзунини тушунмасдан ёдлаш

эвазига баҳо олишга муяссар бўлади. Синфдаги бошқа ўқувчилар ҳам ўз-ўзидан бундай «аълочи»ларга эргашади. Шу тариқа билим олишда юзаклик урчиб бораверади. Ўқитувчи вақтида олдини олмаса, болалар кўрсаткич учун ўқишга қўниқиб қолади.

Тошкент шаҳридаги 49-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳўлжар Ибрагимов ва бу ҳақда шундай дейди:

— Ўқувчининг зийраклиги боладаги билимини тўғри баҳолай олишда ҳам сезилади. Айрим ўқувчиларим мавзунини ўша вақтнинг ўзида, тушунмасдан ёдлаб олади. Ўтилган дарсларни такрорлаш ёрдамида уларнинг билимини мустаҳкамлаб бораман. Баҳо-ланаётган ўқувчиға тенгдошлари ҳам янги, ҳам олдинги дарслардан савол беради. Бу билан нафақат жавоб бераётган бола, балки бошқа ўқувчилар ҳам ўтилган мавзуларни такрорлаб олади. Ёзма нутқдан орқда қолаётган болалар билан дарсдан сўнг индивидуал шугулланаман. Билими яхши, лекин озғачи нутқи ривожланмаган ўқувчиларини аълочи билан ёнма-ён ўтиргизиб, кўпроқ мулоқот қилишга, фикрини аниқ ифода-лашга ўргатаман. Мен бошланғич синф ўқувчиларига тўғридан-тўғри баҳо қўймаслик тарафдориман. Улар мослашиш жараёнида бўлгани боис рағбатлантириш учун юлдузча, байроқча, гуллар ва геометрик фигуралардан фойдаланиш мақсадага мувофиқ.

Психологларнинг айтишича, тез эслаб қўлингдан маълумот тез унутилар экан. Секин қабул қилувчиларнинг хотираси яхши бўлиб, узоқ муддат ёддан чиқармайди. Тезкор хотира эгалари қайта-қайта такрорлаш йўли билан билимларини мустаҳкамлаши мумкин.

Кузатуларга қараганда, бошланғич синфда асосан қиз болалар «аъло» баҳо олади. Бу уларнинг табиати билан ҳам боғлиқ. Ўғил болалар эса юқори синфларда фаоллашади. Боиси, мураккаброқ фанларни ўзлаштиришда хотиранинг ўзи камлик қилиб қолади.

Баҳо ўқувчи билимининг мутлақ ўлчови бўлмайди. Лекин ўзлаштириш кўрсаткичини ифодалаши, ўқувчиларни ҳаракатга ундаб туриши билан аҳамиятлидир. Шу боис баҳолашда жазолаш эмас, рағбатлантиришни кўпроқ назарда тутган маъқул, назаримизда.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

МУЗЕЙДАГИ АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТ

тасвирий санъат ўқитувчисига зўр имконият

Самарқанддаги амалий санъат музейи. Рўпарага нақшин обдаста қўйилган, унинг ортига эса момоларимиз ўз қўллари билан тиккан қадимий сўзана илинган. Обдаста ортида жўмрагининг бир қисми синган сопол кўза кўринар-кўринмас турибди (лекин сояси асосий манзарага сингиб кетган). Музей ходимларининг дон-дона гаплари, томошабинлар шовқини берилиб ишлаётган 30 нафар «рассом»га ҳеч ҳам таъсир кўрсатаётгани йўқ. Нима қилиб бўлса-да, 45 дақиқалик муддат ичида натюрмортини қоралаб олишса, марра уларники. Қолган пардозлаш, ижодий бўёқ беришларини уйда ҳам давом эттириш мумкин... Бу манзара менга жуда қадрдон: тиричилик расм чицаётган йигит-қизлар ўқувчиларим бўлади!

Ўттиз йиллик иш тажрибамда амалий дарсларда музейларга саёхат уюштиришни анъанага айлантирганман. Амалий машғулотдан кейинги дарсларда ўқувчилар ўзаро баҳслашади, натюрмортларнинг ўзига хос томонлари, ранг бериш, сояни тасвирлаш масала-

ларини муҳокама қилишади. 45 дақиқа давомида ҳақиқий ижодий жараён кечади. Тасвирий санъат фани орқали ўқувчиларда атроф-муҳит, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъатдаги

киритилган экспонатларни 18 ёшга тўлмаганлар бир ойда бир марта бепул кўриши мумкин. Барча тасвирий санъат фани ўқитувчилари бундан зўр имконият сифатида фойдаланса бўла-

Апрел — estetik yo 'nalishdagi fanlar oyligi

ғўзалликларни кўра билиш малакасини шакллантириш мақсад қилинади. Буни амалга оширишда эса музей ва галереялар ажойиб композицияли кўргазма сифатида жуда асқотади. Ижодий муҳитда ўтилган амалий дарс ўқувчи тасаввурини бойитади, илҳом бахш этади. Миллий музей фондига

ди. Фақат ўқувчилар амалий машғулотни шунчаки сайру саёхат, кўнгил очиш дамлари деб тушунмаслиги керак. Ўқитувчи болаларни музейларга аниқ мақсад, белгиланган вазифа ҳамда иш қуроли билан олиб бориши, албатта уларни амалий йўналтириши мақсадага мувофиқ. Шундагина

ўқувчилар кўрган ашёлари бўйича фикр юритиб мустақил равишда расм ишлайди, меъморчилик чизмаларини қоралайди, моделлар яратиб, ҳайкаллар ясайди. Энг асосийси, болалар бундай дарсларни орзиқиб кутади... Шу пайтгача шоғирдларимдан ундан ортиги меъморчилик, яна шунчаси қўрилиш, жуда кўпчилиги педагогиканинг тасвирий фаолият ва чизмачилик йўналишини танлашган.

...Музейда ўқувчиларим билан натюрморт устида ишлаётсак, (мақола аввалидаги сизга таниш манзара) яна бир гуруҳ сал ёши каттароқ йигит-қизлар мураккаб сюжетли композиция бўйича машғулот ўтказаятган экан. Улар Пастдарғом педагогика ва санъат коллежи ўқувчилари бўлиб, дарс ўтаётган муаллима эса менинг собиқ ўқувчим Бўстонай Умарова эди. Худди шу жойда кўзларимдан беихтиёр қувонч ёшлари сизди. Ахир, устоз учун бундан ортиқ бахт борми?!

Гулсара КАХНАЗАРОВА,
Пастдарғом туманидаги
21-мактаб ўқитувчиси

«Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она аллеси, она тилининг бетакдор жозиба-си билан сингади... Она тили, бу дир. Уз тилини йўқотган ҳар қаню жудо бўлиши муқаррар». Президентида катта ҳақиқат ифодаланган. тарбиясида сўзнинг, она тилини беқийёсдир. Буюк фаиласуф боболфий бу ҳақда шундай деб ёзгандинсон қуйидаги тўрт нарсаму бўлган инсондир. Узларинг биринчинчиси — эзгу фаолият, учинтўртинчиси — илм».

Ўзбек тилимиз дунёдаги энг бой, нафис ва қудратли, ҳар қандай мураккаб тушунчани ифодалашга қодир тиллардан биридир. Тилшунослик фанимизда истиқлол йиллари бир қанча муҳим илмий-тадқиқотлар яратишди, янгича назарий қарашлар асосида дарсликлар, ўқув

Муқаддима

Инсоният тараққиётининг ҳар бир даври ихтимовий, иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий қонуният ва ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда илмий тафаккур даражаси ва хусусиятларини белгилайди. Бу бевосита тафаккур маҳсули бўлган фанлар ва уларнинг ривожланиш тенденцияларида ўз ифодаси топади. Тадқиқотчининг дунёқараши, ўрганиш объектига доир муаммоларни белгилаши ва уларнинг ечимига муносабати, танланган тадқиқ методологияси ва методикаси масалалари умумий илмий тафаккур даражаси, хусусиятлари билан боғлиқ. Фанлар тарихидан маълумки, **аъъанавий илмий тафаккур** провинциал чекланганлиги, догматиклиги, консервативлиги, умрини ўтаб бўлган принципларга мутегили билан характерланиб, унинг бу сифатлари ўрганиш объектининг тўла маънодаги долзарб муаммоларини тушуниб етишгага тўсиқ бўлади. Аъъанавий тафаккур эгаси объектни тараққиётнинг минтақавий ва глобал масалалари билан яхлитликда идрок эта олмайдиги, жамият ва ўрганиш объектининг тараққиёт тенденцияларини англаб етмайдиги, фаннинг долзарб вазифаларини ихтимовий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб белгилашга ожизлик қилади. Оқибатда фаннинг ўзи ўз тараққиётига гов бўлиб қолади. Умуман олганда, аъъанавий тафаккур жамият тараққиёти даражасидан орқада қолиб, унга тўқунлик қила бошлайди. Шунинг учун Президентимиз Ислам Каримов янги – озоод ва обод жамият барпо этиш, унда эркин ва фаровон яшаш муаммолари хусусида фикр юритиб, алоҳида таъкидланганларидек, “тафаккур озоод бўлмаса, онг ва шуур таъзиқдан, қуллиқдан қутулмаса, инсон тўла озоод бўлмайди”

Илмий тафаккурнинг аъзонавийлик иллатидан ҳоли эканлиги ўтмиш ва ён-атрофга олазарок бўлиш одатидан қутулиб, давр тақозо қилаётган янги тарихий заруратни идрок этиши, ундан келиб чиққан ҳолда ўрганиш объектига муносабатда бўлиши, фаннинг долзарб вазифаларига мос замонавий методология, методлар ва тадқиқ методикасини танлаш ёки ишлаб чиқиши кабиларда кўзга ташланади.

**Лексикографик зарурият
ва унинг
анъанавийлашуви**

Маълумки, ўзбек тили дастлаб бошқа туркий тиллар билан умумий илдизга эга бўлган. Сўнгра қарлук қавмлари лаҳжалари турли даврларда ўгуз, уйғур, қипчоқ каби туркий; эроний, арабий, мўғул каби нотуркий қавм вакиллари лаҳжалари хусусиятларини ўзига сиғдириб, IX–X асрдан эфитонган бошқа туркий тиллардан фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан фарқланувчи бир тил ажралиб чиқа болайди. Бу тил ўзига хос шакл-шамойилдаги туркий(ўзбек) тил

Yangi rukn: Millat mulki

Millat mulki кўлланмалари юзга келди. Бирок, таассуфки, тилишуносликда олиб борилаётган таъқиқотлар давр талаблари даражасида етарли эмас. Ана шунини эътиборга олиб, «Ma'rifatda ulti — «Millat mulki» рубрикасини очиб. Бу руки остида она тилимизнинг софлигини сақлаш, уни ривожлантириш, мактабларда она тилини пухта ўргатиш каби тилишуносликнинг долзарб, фундаментал назарий масалаларидан бахс юритувчи проблематик мақолаалари ёритилиш, айрим сўзларнинг маъноларини очиб бериш, нутиқнинг ифодалиги, ўқитувчиликни нутиқ, дуғат таркибини бойитиш, тилимизга янги кириб келган сўзларнинг маъноси ширхаш сингари кўндан-кўн масалаларга жавоб ахтаришини нилят қиланмиз.

Албатта, «Миллат мулки» рукнининг мазмунли да-
вом этишида Сиз — азият ўқувчиларнинг фаол ишти-
роки сўз билан ҳаводек зарур.

Махмуд САЪДИЙ

Каюм Рамазон, Фахри Камолов, Улул Турсунов, Айюб Гуломов ва улар издошларининг хизмати катта. Бу даврда ўзбек тилининг ички қурилиши замонавий тилшунослик ютуқлари асосида ўрганилди ва ўзбек тилшунослиги ҳажон замонавий тилшунослигининг бир бўлаги сифатида шаклланди. Тилшуносликнинг бугунги мавҳуд барча бўлиmlари бўйича қўллаб илмий тадқиқот иши вужудга келди. Улар асосан тда имло ва талаффуз қоидалари қарилди, ўрта, ўрта махсус ва олий мактаб учун бу тилдан меъёрий дарслик, қўлланма, илмий грамматикалар ёзилди. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” курсининг мутахассислар тайёрлашда фундаментал предмет сифатида ўқитилиши мазкур ижтимоий зарурат асосида кечди. Натижада таълим, матбуот, радио, телевидение, расмий иш юритиш, китобатчилик ишларида ўзбек адабий тилининг устуворлиги-га эришилди. Адабий тил меъёлари

тини бошан кеचирмоқда эди. Шу босидан бутун собиқ шўро давлати ҳудудидо олиб борилаётган ошқоралик ва қайта қуриш сиёсати ўзбек тишшунослиги фанини ҳам четлаб ўтмди. Фанининг янги авлодлари — олимлар қайта қуриш шароитида ўзбек тишшунослигининг долзарб муаммолари, мутахассислар эътиборини қулатган тарихий зарурат бўйича республикада иттифоқ матбуотида чиқиш қилдилар.

Қўтарилган масалаларни моҳиятан иккига бўлиши мумкин:

1) ўзбек тилшунослиги олдига 30—40-йиллари қўйилган ва 40—50-йиллари амалга оширган вазифаси — ўзбек тили турли сатҳ бирликларининг замонавий таҳлил усулларида берилган мукаммал тавсифи, белгиланган адабий тил меъёрлари, таълимнинг турли босқичи учун яратилган ўқув қўлланмалари, дарслик ҳамда луғатлар асосида тўқиси назарий ту-

кенг қўлланилаётганлигини (Германия) ифтихор ила қайд этиш лозим. Кўринадики, ўзбек субстанциал тилшунослиги вакиллари ҳам давр талаблари асосидаги ижтимоий за-
руратни теран англаб, ундан келиб чиқадиган вазифаларни адо этдилар.

Эътироф қилиш лозимки, бугунги кунда бу йўналишда ҳам тафаккур аъёнাবийлигига хос белгилар кўзга ташланadi. Тилшуносликнинг бошқа йўналишларига белписанд муносабатда бўлиш, фаннинг янги парадигмаларини "соф тилшунослик" эмаслигидан айблах, ҳақиқий тилнинг сифатига лисоний структура, тадқиқинингигина тан олиш кабилар шулар жумласисдандир. Аммо ушбу йўналишда тафаккур аъёнавийлигидан халос бўлишни таъминлайдиган ҳолатлар куйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, ўзбек субстанциал тилишунослиги истиқлол тилишунослиги бўлиб, мустақиллик даврида шаклланди ва ривожланди. Ўз мақсад ва вазифаларини, тадқиқ методологияси ва методикасини мустақил танлаш, ўрганиш объектига авторитар кўрсатмаларсиз, эркин ёндашиш имкониятига эга бўлиб,

Иккинчидан, ўзбек субстанциал тилшунослиги анъанавий ва консерватив тафаккурни шакллантиришга хизмат қилувчи методология бўлган коммунистик доғмалардан холи ривожланганлиги билан характерланади.

Учинчидан, бу йўналиш намоён-
далари ўрганиш объекти билан бо-
лиқ навбатдаги тарихий заруратини
англаш ва унга доир вазифаларини
белгилаш билангина ўзбек субстан-
циал тилшунослигини ривожланти-
риш мумкинлигини, акс ҳолда, у ҳам
консервативлашиб, мутлаклашиб,
анъанавийлик чоҳига тушиб қоли-
шга тегаркан ҳис этиш имкониятига
эгадирлар.

**Тилдан амалӣй
фойдаланиш
самарадорлиги —
давр талаби**

Давр ўзбек тилшунослигидан аникланган лисоний умумийликларнинг нутқий воқеаларини текширишга, ундан амалий фойдаланишга, самарадорлигини ошириш, қўлла-ниш доирасини кенгайтириш муам-молари билан шугулланишга жид-дий киришишни талаб қилмоқда. Бу-янги аср тилшунослиги зиммасига юклатилаётган ижтимоий буюртма-дир. Президентишиз Исрол Қари-мов "Юксак маънавият – енгилмас-қуч" асарига алоҳида таъкидлаган-ларидек, "айниқса, фундаментал-фанлар, замонавий коммуникация-лар ва ахборот технологиялари, бан-молия тизими каби ўта муҳим соҳа-ларда она тилимизнинг қўллани-ш доирасини кенгайтириш, этимоло-гик ва қиёсий луғатлар чоп этиш, за-гир атама ва иборалар, тундуча ва-категорияларни ишлаб чиқиш, бир-сўз билан айтганда, ўзбек тилини-

лмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватанга бўлган эҳтишом ва ҳурматни таъминлашда асосий ўрнига эришган. Ҳозирги кунда ўзбекистонлик инженирлар ва таълимчиларнинг асосий қисми ўзбек тилини ўқитишнинг асосий қисми бўлиб қолган. Ўзбекистонда ўқитишнинг асосий қисми бўлиб қолган. Ўзбекистонда ўқитишнинг асосий қисми бўлиб қолган. Ўзбекистонда ўқитишнинг асосий қисми бўлиб қолган.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
профессор

СҮЗ СЕҲРИ

Тил ёхуд Сўз шарҳига бағишланган дарслик, қўлланмалар бугунги кунда нихоятда зарур ва алоҳида қимматга эга. Ўзбек мумтоз адабиёти асарларида илм ўрганиш, нутқ одоби, ахлоқий, диний-тасаввуфий тушунчалар билан боғлиқ сўзлар борки, уларнинг ақсариёти умумомма, ҳатто, илмий жамоатчилик учун ҳам изоҳталаб. «Сўз хусусида сўз» номли китоб айнан шу — мумтоз адабиёт ва тилимиз тарихига, сўз шарҳига бағишланганлиги билан диққатни тортади. Ушбу нобб асар аслида 1987 йили нашр қилиниб, тез тарқалиб кетганди. Сўзшунос олимлар, сўз сеҳрига қизиқувчилар талабига биноан китоб туза-тишлар билан қайта чоп этилди.

олиш деган тушунча, унинг яна бир маъноси бадий асар тилида сўзи бир нарсага ўхшатиб қўллаш, демкидир. Истиора, мажозий маъно англатиши бадий восита сифатида мазкур шеърий санъат қобиғида метафора тушунчасини қисм, яъни, тор бўлса-да, англатиши, хусни таъливлқеани гўзал қилиб, шoirна кўрсатиши кенг ва баъатфисл тушунтирилган.

Устоз Алибек Рустамов томонидан Навоийни англаш, тушунишга бағишланган ушбу рисолада «Тил шарофати», «Нутқ маҳорати», «Сўз далолати», «Иборалар ҳикмати», «Маъно тафовути», «Исмлар ҳосияти», «Таъбир изоҳоти» каби бўлимларда назарий тушунарлар мантиқан шарҳланган, тегishi илмий манбаларга ишора қилинган. Китобда устознинг илмий, билимдонлик салоҳияти маҳорати сифатида улуғ ва фозил алломалар ибрати, ислом маърифати тушунарлари ўзига хос услубда изоҳланган. Кўп маъноли, хусусан, ботиний, мажозий қўлланган сўзлар алоҳида тадқиқ ва таҳлил этилган.

Tagriz

товушдошлик, тилдаг
гўзалликнинг бир тури
дир», — дейилади. Сўз у
талари, айниқса, назм
қофия ва насрда сажъ яса
дилар.

«Сўз далолати» бобид эса, Навоий асарларида қўлланган ҳар бир сўзини бош ва кўча маънолари изохланади. Масалан, нафс сўзининг ҳайвонга ёки сонга нисбатан қўлланилиши, нафси ўлик, нафс тийган киши каби. Ҳайвонга да ақл бўлмагани тўғрисида унинг нафси таҳовузини дейилади. Нафс сўзининг яна бир неча маънолари, яъни эъзат-нафси, нафси тубий, нафси наботий ўсимликни эстурувчи кўлар; нафс — тўтувчи, ўйландирувчи; ҳазм қилувчи; раҳувчи; даф қилувчи; шакллантирувчи; туғдирувчи эстурувчи; нафс ҳайвон сўзи билан бирга келганда триқлик, нафс шаҳват сўзи билан бирга келганда эсон бирор манфаат ва лаззат интилурувчи кўч каби бир неча ўнлаб маънолари сон бирикмалари асосиди шарҳланган. Бу бобда жамъ ҳар, яъни гавҳар вази лал билан лухар эканлиги унинг маъноси марварид

ҳар бир нарсанинг асли
яъни моддаси тушунча
айтилган. Муаллиф Наво
асарларида жавҳарни
инжу, дур, лаъл, ёқут, зуму
рад, олмос, феруза ка
маънодошлари қўлланган
лигини мисоллари билан
келттиради.

Истиора сўзи ҳам кў
маънолилиқ ҳусусияти
эга эканлиги, унинг луғав
маъносى аслида орият

Олим мумтоз адабий асарларда Фарб тиллари-
дан ўзлашган, уларнинг баъ-
зилари асли Шарқ тиллари-
га мансублигини зийраклик
билан илмий таҳлил этади.
Масалан, *перо* сўзи ёзув
қуроли сифатида рус тили-
да қўлланиши, пат ёки пат-
қалам ҳам *перо* деб аталган
ни ёки лотинча *масса* —
жисм моддаси тўп, тўда де-
ган маънода, инглизча *ком-
пьютер* — ҳисобкомом сўзи
этимологияси, *спиритизм*
— арвоқ; реализация — 1)
амалга ошириш, ижро; 2)
пуллаш; лотинча *миссия* —
юбуриш; абберация — чет-
лашиш; *мараторий* — ке-
чиктирувчи сўзларнинг
маъноси кенг изоҳланган.

«Маъно тафовути» бобида маъноси бир-бирига яқин сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиш ҳоллари баъзан нутққа салбий таъсир кўрсатиши айtilади. Масалан, тавсиф ўрнида тасвир, чопмоқ билан югурмоқ фелълари ара-сида ҳам фарқ борлиги, жир (битмапти) ва ёғ, май каби сўзлар маъноси ўзга тиллар билан қийсанган.

Китобнинг «Исмлар ҳосияти» деб номланган бобида эса, киши ва нарсас-предметларнинг атама-ларининг озгаси ва ёзма нутқда ҳар хил қўлланилиши мисоллар асосида таҳлил этилган. Масалан, маъноп асли маъноф (юксак, улуғ) сўзида ф товуши ўзбек тилида аслида бўлмаганлиги, л га айланishi оммавий ҳодиса эканлиги кўрсатилган. Худди шундай товушлар алмашishi *Зухра* исмида з дан кейин у келса, охириги товуш бўлади. Агар *Захро* бўлса, охириги товуш о га айланади ва шундай талаффуз қилинади, деган илмий таҳлил баён этилган. Худди шу сингари қозим — ғазабни ютувчи, беғим ва хоним сўзлари таркибидаги -им, умай, ума(она) сўзига алоқаси бор дейилади. *Миришкор*, *мир* ва *шикор* сўзлардан ясалганлиги исботланган, *мириш* ҳам *амир* шаклидан қисқарганлиги айтилади.

Хуллас, устоз Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» китоби Алишер Навоий асарларини, умуман, мунозир адабиёт ва тил тарихини ўрганишда, сўз маъни, иҳод, бадиийлиги, сиру синоатларини англашда мутлақо анги илмий-услубий асардир.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари
номзоди

Юқори малакали кадрларни тайёрлашда малакавий амалиёт алоҳида аҳамиятга эга. Талабалар ихтисослигини мукаммал ўрганиш баробарида тажриба ошириб, эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини ҳаётга татбиқ этишга ўрганади.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида”ги низомга мувофиқ Тошкент темир йўллари муҳандислик институтида ҳам малакавий амалиёт билан боғлиқ ишлар янгича ташкил этилмоқда. Маълумот ўрнида келтириш керакки, мазкур олий ўқув даргоҳининг электрон-механика факультетида темир йўл муҳандиси ва педагоги мутахассислари тайёрланади. Бу факультет талабалари асосан касб-хунар коллежлари ва турли хил устaxonалар, темир йўл корхоналарида амалиёт ўтади. Хўш, жараён қандай ташкил этилади? Талабалар амалиётга қай даражада тайёргарлик кўришади? Бундан кўзланган мақсад ва олинаётган натижалар қандай?

ДАРС ИЧИДА ДАРС

— Бир ой давом этадиган амалиёт жараёнида талабалар шунчаки билимини синовдан ўтказиб, малакасини оширмайди, балки коллеж ўқувчиларида билим беради, — дейди институт доценти Маъмура Деҳқонова. — Амалиётни самарали ўтказиш учун, аввало, аудиториянинг ўзидаёқ талабаларни ҳар томонлама тайёрлашимиз зарур. Шу мақсадда кўпгина ўқитиш методлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, дарс ичида “дарс” ташкил қилинапти. У 15 ёки 20 дақиқа давом этади, унда ўқитувчи ўрнида талаба дарс ўтиб беради. У белгиланган вақт мобайнида қисқа маъруза ўқийди, тайёрлаган буклет, слайд, кўргазмали қуролларни ёрдамида мавзунини ёритади. Бу эса дарснинг табиий, жонли ўтилишини таъминлайди. Аудиториядан берилган саволларга жавоб қайтаради ҳамда мавзудан чалғимаслиги учун уларга ёзма вариантлар тарқатади, саволлар билан мурожаат қилади. “Ўқитувчи” дарс жараёнини ташкил этади ва талабаларни баҳолайди. Кичик дарслар видеоасмага ёзиб олинади. Мазкур усул амалиётчи талабанинг ҳар томонлама билимини синовдан ўтказиш, аудиторияда фикрини аниқ баён эта олиш малакасини ўстиради ва ўзига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Бундан кўзланган асосий мақсад талабада аудитория билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Бир муддат ўтиб, талабанинг дарсидан ёзиб олинган видеолава ўзига кўрсатилади. Унинг ютуқ ва камчиликларни ўқитувчи ва талабалар иштирокида муҳокама қилинади. Дарсни ноанъанавий усулда ташкил этгани, ўзига хос усул ва методларни қўллагани, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда мультимедиа воситаларидан унумли фойдалангани эътироф этилади. Эътиборлиси шундаки, бир талабанинг “мини дарс”идан бошқа бири ўрганади ва иложи борича ўша камчиликларни такрорламасликка ҳаракат қилади.

Талабалар малакавий амалиётда ўқувчилар билан ишлашда қийинчиликларга дуч келмаслик учун «Тепловоз таъмир» заводига бориб, темир йўл машиналари эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ишини ҳам ўрганишмоқда. Улар тепловоз, паровоз двигатели ва

моторлари ёки бошқа эҳтиёт қисмларини таъмирлашда қатнашади. Мазкур жараёни китобда эмас, аниқ тажрибада, реал ҳаётда кузатилади. Албатта, бу амалий ишлар ўз касбининг пухта билимдони бўлиб етишишига ижобий таъсир кўрсатапти.

Талабалар билимини қарқайиладиган ва ҳар жиҳатдан си-

ТАЛАБА МАҚСАДИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Биз амалиёт ўтаётган талабалар билан суҳбатлашиб асосида ўқув жараёни билан боғлиқ таассуротларини гапириб беришини сўрадик. Электрон-механика факультети касб таълими бўлими 4-босқич талабаси Қодирбек Мўминов бу хусусда шундай деди:

— Амалиёт талаба зиммасига катта масъулият юклайди. Даставвал таълим муассасасининг моддий-техник базаси билан танишади, кейин “Устоз-шогирд” анъанаси асосида бирор тажрибали ўқитувчига бириктириб қўйилади ва унинг дарс ўтиш маҳоратини ўрганиб боради. Мен Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежидида дастлаб амалиёт раҳбарим Ц.Шевкуновнинг ўқув-услубий қўлланмаси билан тўлиқ танишиб чиқдим ва дарс ўтиш услубини кузатдим. Шу асосда “УзТЭ16М модернизация ҳақида умумий маълумотлар” мавзусини олиб, дарс ўтиш учун тайёрланиб

раёнида таълим-тарбиявий ва эифаларни бир бутунлиқда олиб бориши, илғор тажрибаларни умумлаштириши, ўз устида ишлаши муҳимлигини англадим. 80 дақиқада кўп нарсга улгуришим керак, деган мақсадда дарсга кирган амалиётчи тобора ўқувчига яқинлашар экан. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига билим бериш асосида дарсни ҳаёт билан бевосита боғлаб ўтиш, мисоллар келтириш ўқувчининг эътиборини тортишини билдим. Шунингдек, дарс жараёнини тақсимлаб чиқиш, мавзуга аниқ ёндашиш орқали ўқувчиларнинг дарс пайтида фаоллигини таъминлашни ўргандим.

Қодирбек Мўминовнинг фикрига қўшимча сифатида айтиш мумкинки, талаба малакавий амалиёт давомида ихтисослик фанидан дарс ўтиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, малакали ўқитувчилар дарсларини таҳлил қилиш, ўқувчилар савиясини рейтинг усулида баҳолаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва таълимнинг техникавий воситалари-

Oliy ta'lim

ди. Шу асосда талаба ўз устида ҳам тинимсиз ишлайди.

— Дарс мобайнида ўқувчилардан ҳам ўрганадан, — дейди талаба Муроджон Ҳамид-хўжаев, — Баъзида мураккаб саволларга жавоб топиш учун илмий адабиётларни варақлайман, интернетдаги маълумотлар билан танишишга тўри келади. Бир сўз билан айтганда, амалиётда ҳам ўргатаёпман, ҳам ўрганаёпман.

— Темир йўл транспорти касб-хунар коллежидида амалиёт ўтадим, — дейди яна бир талаба Моҳиҳеҳра Ашурова. — Коллежда барча ўқув-лаборатория жиҳозлари мавжуд. Темир йўл полигоми, чилангарлик, электр йиғув, металлургия ишлов бериш, махсус вагон рефрижератор устaxonалари ўқувчилар ихтиёрида. Коллеж 11та йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрлайди. Амалиёт жараёнида устaxonалар фаолияти, барча йўналишлар бўйича дарсликлар билан пухта танишдим. Машгулотларда устозларимиздан ўрганган ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаландим. Муҳими, дарс орқали билим янада бойилади.

ИШ БЕРУВЧИ ИШОНЧИ

— Замон талаби ва таълим муассасасининг реал эҳтиёжи ҳар томонлама етуқ мутахассис билан ишлашдир, — дейди Тошкент темир йўллар коллежи директорининг касбий таълими бўйича ўринбосари Асатилло Аннақуллов. — Шунга кўра бугунги амалиётчи талаба нafaқат пухта назарий билимга эга бўлиши, балки ўрганганларини амалиётда ҳам қўллай оладиган, ишчан муҳитга тезда мослаша оладиган бўлиши зарур. Бизга амалиёт ўташ учун келаётган ҳар бир талаба ўзида шундай кўникмаларни шакллантирган. Улар эртанги куннинг зукко ва малакали кадрларидир.

Бу борадаги кўрсаткичлар ҳам қувонарли. Ўтган йили уч томонлама шартнома асосида битирувчиларнинг 30 фоизига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишлаш учун йўлланма берилган бўлса, қолганлари темир йўл тизимидаги бўлима, корхона ва ташкилотларда фаолият бошлашди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошди ва 40 фоиз талаба келгусида муҳандис-педагог сифатида касб-хунар коллежи ёки академик лицейларда фаолиятини олиб боради. Бундан кўриниб турibdiki, талабалар малакавий амалиёт давомида иш берувчининг ишончини қозонган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, амалиётчи талаба ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши, дарс мавзусларини ўтишда тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор бериши зарур. Шундагина икки томонлама манфаатли ҳамкорлик юзга келади, яъни коллеж ўқувчиси мукаммал билим олади ва амалиётчи талаба ҳам ўзининг профессионал фаолиятига замин ҳозирлайди.

Олим ЖУМАБОВ,
“Ma'rifat” муҳбири

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ

талабанинг касбий маҳоратини оширади

новдан ўтказадиган олимпиада, баҳс-мунозара кечалари, илмий конференциялар тез тез ташкил этилаётирки, бу ҳам амалиётчини тоблаб, аудитория билан ишлаш малакасини ўстиришга хизмат қилаяпти. Аини пайтда республика фан олимпиадалари ва илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этган электрон-механика факультети талабалари назарий билимларини бемаълал амалиётда қўллаш олиши ҳамда аудиторияга етказиб бериши билан бошқалардан алоҳида ажралиб туради.

бордим. Кейин ўқитувчилар кузатуви остида очик дарс ўтдим. Мавзунини кўчур ўрганиш баробарида техник жиҳатдан малака оширдим. «Дарснинг кириш қисмида нималарни гапиришим керак ва бу қанча вақт давом этади?», «Асосий қисмида мавзу доирасида нималарга тўхталиб ўтилиши зарур?», «Ўқувчилар билан баҳс-мунозарада мавзунинг қайси очилмаган тарафларига ечим топиш мумкин?» каби саволлар устида изланиб, машгулотларга жиддий ёндашдим. Энг муҳими, ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаши, дарс жа-

дан фойдаланиш, режа ва консспект тузиш малакасини эгаллаши зарур. Албатта, бу жараёнда талаба методик ва ихтисослик фанларидан олган назарий билимларига таянади.

ҲАМ ЎРГАТАЯПМАН, ҲАМ ЎРГАНАЯПМАН

Бугунги коллеж ўқувчисининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб шаклланаётгани амалиётчи талабанинг ҳам барча дарсларга пухта тайёргарлик билан келишини талаб қила-



НИЛУФАРНИНГ ГУЛИ

V—VI синф ўқувчиларига дарс бераман. «Устоз, байрамнинг билан табриклайман!» деган сўзларнинг ўзи мен учун катта мукофот. Лекин, тан олиш керакки, сўнгги пайтларда ўқувчиларнинг муаллимасига совға бериши бошқача тус олмақда.

Бирор байрам яқинлашгани сайин ота-она ўғли ёки қизининг муаллимига нима совға қилиш ҳақида ўйлай бошлайди. Бир қўшимиз қизининг синф раҳбари учун «фалон сўмлик» шарф сотиб олганини айтиб мақтанади. Бошқа танишим эса, ўғлидан қимматбаҳо атири бериб юборибди. Ота-оналар совға қилишда мусобақа ўйнаётганга ўхшайди, назаримда. Энди ўйлаб кўринг: қимматбаҳо нарсаларни тақдим этишга синфдаги ҳамма боланинг ҳам оилавий шароити тўғри келадими?! Ўқувчилар ўртасида ички гуруҳларга бўлиниш каби салбий оқибатларга ана шулар ҳам сабаб бўлмаяптимики? Айниқса, ўғил болалар синфдош қизларга бераётган совғанинг фақатгина баҳосига қаралаётгани биз ўқитувчилар кўнглига гулгула солиб қўймоқда. Уларнинг наздида — совға қанча қиммат бўлса, шунча қадри баланд. Қизларнинг қўлидаги қимматбаҳо атир-упалар, бўйидан ҳам баланд юмшоқ ўйинчоқларни кўриб, 6-синф ўқувчиси пулни қаердан олиши мумкин, дея ўйлаб қоламиз.

Нилуфар исмли ўқувчим мен учун кичкина тувакчада ўз қўли билан гул ўстирган экан. Байрам кунини хижолатли бир ҳолатда берди. Мен эса уни тенгдошлари кўз ўнгиде энг қадрли совға сифатида қабул қилдим. Демокриманки, ўқувчиларнинг ўз қўл меҳнати, ижод намунаси ёки чизган оддий расми ҳам совға ўрнига ўтади! Ухшаса-ўхшамаса, у меҳнат қилади, эътибор билан устозига тақдим этади. Мана шу ҳақиқий совға, аслида. Бу болани фақатгина меҳнатга ўргатиб қолмай, совға олиш ва бериш борасидаги энг беғубор тушунчаларни ана шундай асл ҳолича сақлаб қолади, деб ўйлайман.

Замира АЛИШЕРОВА,
Тўрткўл туманидаги
5-мактаб ўқитувчиси

Bugunning gapi

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг кийиниш маданиятига эътибор берилмаётгани таҳсинга лойиқ. Лекин гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, айрим ўқувчи қизларнинг кийимларига қараб энсанг қотади. Сочлар ёйилган,

дан Шарқ халқлари тажрибасида таълим муассасаларига фақат билим берувчи, илму хунар ўргатувчи маскан деб эмас, балки инсон шахсини тарбияловчи, уни ҳар томонлама баркамол этиб шакллантирувчи қутлуг даргоҳ деб ҳам қаралган.

Кўплаб давлатларда ўқувчилар учун махсус либос, яъни мактаб

Тилла зиракли дугонасига ҳавас қилган қиз онасига ялиниб-ёлвориб, худди шунга ўхшаш тақинчоқ олдиради. Эртаси кун мактабга келган, дугоналари ҳавас қилиб «Тиллами?» деб сўраса, халиги бойвачча қиз «Бу тилла эмас. Тилла зирак олиб беришга отасининг кучи етмайди», дейди. Мана, 3-синф ўқувчисининг мушоҳадаси. Ҳозирдан кибрга берилган қиз эртага бир оиланинг бекаси бўлганда ўша хонадон ва атрофдагиларга ўтказадиган салбий таъсирини тасаввур қилиб кўринг-чи?! Ёки, худо асрасин,

ТИЛЛА ЗИРАК КЕРАК...МИ?

мини юбка, тор шим. Кийимлар гарбона усулда (гарбона десак яна ҳам тўғрироқ бўлади). Гўё ўқишга эмас, модалар уйига ёки тўй-томашга кетаётгандек. Бектиёр уйга толаман: нахотки, шу қизлар кечагина 9-синфни битирган бўлса? Ахир, улар мактаб либосида (юзга алланималар чапланмаган, сочлар ўрилган ёки йиғиштирилган ҳолатда) жуда беғубор кўринарди... Демак, айрим ўқув муассасаларида таълим билан тарбия биргаликда олиб боришмаяпти.

Юртбошимизнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси». Азал-

формаси жорий этилган. Негаки, болани ҳеч нарса асосий мақсад — таълим олишдан чалғитмаслиги керак. Бир хил либос ўқувчиларни кўп жиҳатдан тенг сақлайди ва бор эътибор ўқишга қаратилади. Мактабимизда бу борадаги талаб қатъий. Айниқса, муассасамизга баҳор ва куз ойларида келган киши бир хил кийимда юрган йигит-қизларни кўриб, болалик йилларини кўмсаши тайин.

Ўқувчини таълим олишдан чалғитадиган яна бир муаммо тақинчоқдир. Қизлар мактабга тилла зирак тақиб келмасин, деганимизда айрим ота-оналар очикдан-очик эътироз билдиришди. Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа барча эътирозларни чиппака чиқаради.

кимнингдир қимматбаҳо тақинчоғи мактабда йўқолиб қолса борми, ана унда қўрасиз томошани. Дугоналар сарсон, кимдир гумондор...

Биз устоз-мураббийлар ўқувчининг нафақат билими, балки юриш-туришига ҳам жавобгар эканмиз, ҳар бир йигит-қизнинг мактаб тартиб-қоидаларига қатъий амал қилишини назоратга олишимиз лозим. Керак бўлса, бу ҳақда ота-оналарга ҳам яхшилаб тушунтириш зарур.

Мўътабар РАСУЛОВА,
Касби туманидаги
31-ўрта мактаб
директорининг
маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари

ҲАСАД ЭМАС, ҲАВАС БИЛАН ЯШАНГ!

Ривоят қилишларича, бир кун феъл-атвори бир-бирига яқин кушлар қий-чув кўтариб, Сулаймон пайгамбар ҳузурига келибди. Уларнинг мақсади битта: булбулдан шикоят қилиб, уни бадном этиш, жазога маҳкум қилиш экан. Арзга келган кушлардан бири жавраб йиғлабди, бошқаси уйкусизликка чалинганидан зорланибди, яна айримлари Сулаймонга: «Булбулга нечуч эрх бериб қўйсанми, тинимсиз фарёд чеккани чеккан, хотиржамлигимиз барбод бўлди. Нахотки, унинг ёқимсиз йиғлашигун мунгли нолалари сенга ёқса? Қани адолатинг, бизларга ғамхўрлигинг? Токатимиз тугади. Бу жойларда ё биз туришимиз керак, ё ўша йиғлоқи булбул», дейишибди.

Сулаймон булбулни топтирибди ва унга дебди: «Қаёқларда бекиниб юрибсан? Нега мана бу қаргаю зоглар билан тил топишишни ўйламайсан? Улар сенинг устингдан арз қилиб келибди... Ўзингни оқлайдиган сўзинг бўлса гапир!».

«Эй, Сулаймон — деган экан ўшанда булбул — бу бадбахтлар мен чеккан дарду ҳасратларнинг маъносини қандоқ фахмлашсин, чунки уларда ишқ йўқ, дил йўқ. Гумроҳлиги ҳам, нафс ва фароғатга тобелиги ҳам худди шундан. Мен бор-йўғи уч ой нола қиламан. Бунинг учун тўққиз ой хомуш яшаб, азоб тортаман. Буларингизга англатинг, юрагим конга тўлиб кетганидан сайрайман. Бўламаслиқнинг сира имкони йўқ. Мени ишқ алами, худлоқи азоблари, ҳасадгўйларнинг қилиқлари йиғлатади».

Рамзий маънода келтирилган бу афсонада ҳам маълум маънода ҳаётий ҳақиқат бор. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида қуйидагича таъриф мавжуд: «Ҳасад арабча сўз бўлиб, кимсанинг муваффақиятини, устунлигини кўрломаслик туйғуси, гайрилик, бахиллик демакдир. Уни ўзига касб қилиб олганларни ҳасадгўй, ҳасадчи дейишади».

Инсон пайдо бўлибдики, ҳасадчилар доимо яшаб келган. Улардан не-не аллолар, олимлар, шоирлар, донолар, арбоблар озор чекишган. Нафақат қийналишган, балки мамлакатлар, шаҳар-

лар, қишлоқлар вайрон бўлган. Минг-минглаб гуноҳсиз аҳолининг қони тўкилган. Ҳақим ат-Термизий бобомиз ҳасадчилар зулмидан озор чекканини биламиз. У киши улуғларнинг улуги, шайхлар сайида, ширин сўзли, билимли, доно бўлган, бутун ҳаётини илм ўрганишга, китоб ёзишга сарфлаган.

Ҳасадгўйлар олимнинг шаънига турли бўхтонлар ёғдиришган. Обрўсини туширишга, ҳаттоки жисмонан йўқ қилишга уринишган. Аммо буюк аллома тухматчиларнинг ёлғонларини исботлаб бера олган. Баъзида эса севган шаҳри Термиздан кетишга ҳам мажбур бўлган. Ватандошимиз: «Қийналган онларимда асарларим менга тасалли берадир», деган экан.

Буюк мутафаккир шоиримиз, шеърят мулкисининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоийни кўрломлаганлар унинг бошига не балоларни солмаган, ҳаттоки энг яқин дўсти Хусайн Бойқор билан ораларини бузишга эришган. Шу боис шоир «Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Бахил одам молини асраш учун қаттиқ азоб чекади. Ҳасадчи эса ярамас феъли туйғайли тинч яшай олмайди. Униси ўзига ўзи берган азобдан қийналади, буниси эса ўз қилигидан дард чекади», деб қуйидаги байтни битади:

**Унисига мол сақлаш
азобу укубати,
Бунисига ярамас феъли
дарду балоси.**

Ҳақиқатан ҳам, бу туйғуга ошно қалблар бировнинг ютуғини кўрди дегунча, унга маломат тошларини отади. Албатта, иш бор жойда камчилик бўлади. Улар ана шу арзимас нуқсонни топиб олса бўлди, пашшадан фил ясашади. Аксарият ҳолларда ҳасадчилар ўзларининг укувсизлигини, билимсизлигини, саводсизлигини, қобилиятсизлигини сездирмаслик учун бу туйғудан кулрол сифатида фойдаланишади. Агар унга қолса, бу юмушларни икки дунёда ҳам эпллолмайди. Аммо ўзини доно, билимли, истеъдодли қилиб кўрсатишга уринишади.

Мабодо раҳбар ёки иқтидорли киши унинг айбини юзига айтса, тўғридан-тўғри ҳужумга ўтади. Натижада жамоадаги соғлом муҳит бузилади. Чин юракдан, ҳалол меҳнат қилаётган кишининг иш унуми пасайиб кетади. Энг ёмони, соғлиғига путур етади.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Дона халқимиз, гараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди. Бағрикенг, ҳалол-поқ, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қимат, ҳурмат-эътибор топади», деб ёзади.

Ёш, истеъдодли кадр бир идорага ишга борган экан. Ҳали амалиётни кўрмаган йигит бўлим бошлиғидан нима билан машғул бўлишини сўраган экан, «Мен билмайман. Ким сени бу ерга

тиқиштирган бўлса, ўшандан сўрайсан», дея жаҳл ва алам билан жавоб берибди. Илгари у киши очик чехра билан сўрашиб, кўришиб юганини билган ёш ходим бу ҳолатдан ҳайратга тушибди. Аслида, нўноқ бўлим бошлиғи ўрнини олиб қўяди деб кўржаётганини у қаердан ҳам билинсин.

Яхшиямки, жамоада инсоний фазилатларга эга ҳамкасблар бисёр экан. Унга касб сирларини эринмай ўргатишибди. Уч ойга қолмай, яхши ходим сифатида тилга олинди деган бўлибди. Бу ютуқларини кўра олмаган бўлим бошлиғи янги ходим тўғрисида турли бўхтонларни тўқиб қиқарибди. Лекин йигит чин дилдан қилинган меҳнат, тинимсиз изланиш, ўз устиде ишлаш билан ҳасадчининг зарбаларига жавоб бераверибди. Оқибатда олти ойга бориб, бошқа бир бўлимга бошлиқ қилиб тайинланбди. Лавозими ўзи билан тенглашганини кўрган ҳасадгўй на салом-алиқ қиларкан, на сўрашаркан. Нуқул у тўғрисида иғво, бўхтон тўқиб билан овора экан.

Истеъдодсиз бўлим бошлиғи вақти келиб касбига нолойиқлиги туйғайли вазифасидан озод этилибди. Истеъдодли ходим эса раҳбар лавозимига кўтарилибди. Бирок ҳануз ҳасадгўй у тўғрисида яхши фикр айтмас экан.

Бу каби ҳолатларга дуч келганимизда баъзан ҳасадчининг гапларига қулоқ соламан, ёлғонларига ишониб, яхши инсонларга озор бериб қўямиз. Аслида, ҳақиқатдан иқтидорлиларни тан олиб, уларга ёрдам бериш, ҳасадчилардан ҳимоя қилиш лозим. Ҳеч қачон ҳасад билан ошно бўлмаслик аксинча, ҳавас билан яшаган яхши.

Юртдошимиз Хожа Самандар Термизий ҳазратлари «Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда. Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!» деб бекорга айтмаган.

Норқувват ТўРАЕВ

Ракс тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Одамлар рақсга хос айрим элементларни ўн минг йиллар илгари ҳам бажаришган. Демак, рақсга доир унсурлар кишилик жамиятининг энди-гина такомиллашган пайтидаги меҳнат жараёнидаёқ кузатилган.

Қадимда одамлар рақс санъатига алоҳида ихлос билан қарашган, овчилар овга чиқишдан аввал ўзларига омад ёр бўлишни турли рақслар орқали изохлаб, гўёки руҳлардан мадад сўрашган, тўйларда келинчақни айнан рақс турли ёвуз нигоҳлардан химоя қилади, деб ишонишган. Ҳозирги кунда эса рақс энг нозик маънолар, туйғулардан сўзловчи ҳаракатлар инъикосига айланиб улгурган, албатта. Шунингдек, у кишиларга эстетик завқу шавқ улашади, хуш кайфият бағишлайди.



29-aprel — Xalqaro raqs kuni

размча рақс, бир марта бўлса-да, намоиш этилади. Бу ҳам меҳмонларнинг кайфиятига хушнаволик қўшади.

Уч мактабнинг рақс либосларида ҳам ўзига хос жиҳатларни кўриш мумкин. Фаргона раққосалари, асосан, беқасам, атлас, адас матоларидан тикилган узун кийим кийдилар. Бухоро рақс кийимида эса тилларанг бўртиб туради. Раққосаларнинг қўлида шикилдоқ-бигагузук, бошида зардўзи тиллақош, эгнида эса унча узун бўлмаган, бироз кенгрок зардўзи бахмал либос бўлади.

Хоразм рақс усталарининг бош кийимидан тортиб, кўксига тушиб турадиган бир нечта шикилдоқлар ҳамда бошқа қўшимча безаклар алоҳида таърифу тавсифга эга. Бунда қадимий мусиқа — "Лазги"нинг ўрни бекиёсдир.

Миллий рақс санъатимиз-

да омма эътиборига тушди. Аввалига Европа бўйлаб тарқалди.

Айнан вальс бир қанча катта базм (бал) рақсларининг яратилишига туртки бўлган. Кейинчалик Венс йўналиши, тўй вальслари, сокин вальслар, инглиз тангоси каби бир неча йўналиш ва мактабларга бўлинди. XIX асрда Шотландияда янгича услубдаги жуфтлик рақслари пайдо бўлди. Бу пайтда занжир ва чамбарак ёрдамида ижро этилувчи рақс турлари ҳам бор эди.

Лотин Америкасининг жўшқин кайфият улашувчи шўх рақслари неча асрларки, томошабин кўнглидан бирдек жой олиб келмоқда. Раққоса кўзларининг юз ифодалари, киши беихтиёр уларга қўшилиб ўйинга тушишга ундайди. Бу ҳудудга хос рақс санъатининг самба (Бразилия), Аргентина тангоси, «ча-ча-ча», саль-



МУСИҚАНИНГ «ЖОНЛИ ТАСВИР»И

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳатто ҳомилдор аёлга ҳам рақс тушишининг фойдаси бор экан. Бунда она қорнидаги мурғак жоннинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиши тадқиқотларда аниқланган. Шу билан бирга, аёл организмда моддалар алмашинуви меъёрий ҳолатга келади, бу эса ёш оналарнинг репродуктив саломатлиги таъминланишида катта аҳамиятга эга, албатта.

Раққоса танасининг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, юзидagi имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратишга интилиши рақснинг асосий воситасидир. Дастлаб рақс қўшиқ билан уйғун бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс анъаналари, ижро услуби, ўзаро мутаносиб тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий, географик шароит ва менталитетдан келиб чиқиб шакллланган, ўзгарган, ривожланган.

Энг нозик ва киши руҳиятига осон йўл топа оладиган бу сеҳрли санъат тури мусиқа, товуш, ритм билан узвий боғлиқ, деб ёзилади «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-да. Шунингдек, рақс куй-қўшиқнинг мазмун-моҳияти янада тушунарли бўлиши, ёрқинроқ очиб

РАҚС — ЖОЗИБА МАРАҲҲУМИ

берилишида катта аҳамиятга эга. Мазкур санъат турининг илк намуналари дастлаб Юнонистон, Хиндистон каби қадимий давлатларда пайдо бўлган ҳақида манбаларда келтирилган. Халқ рақслари асосида ривожланган профессионал рақсларнинг икки асосий тизими: Европа ва Шарқ йўналишлари мавжуд.

Европада профессионал рақс шаклланишида Юнонистон ва Рим санъатининг ўрни бекиёс. XV—XVI асрларда мурески, балла-фигурато каби аниқ сюжетга асосланган рақс турлари юзага кела бошлаган. XVII асрда эса балетга асосланган спектакллар яратилди.

Тарихчи олимлар олиб борган изланишлар натижасида топилган қоятош тасвирлари ҳамда археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, рақс санъати минтақамизда Европадан ҳам илгарироқ пайдо бўлган экан. Унинг қадимийлиги, шакл ва турлари, услублари жиҳатидан бой ва пухталиги аждоқларимизнинг асосан деҳқончилик ва қорвачилик билан шугулланганига бориб тақалади.

Манбаларда келтирилишича, қадимги «Авесто» давридаёқ рақс санъати ривожланиб, икки гуруҳга — халқ ва профессионал рақс усулларига бўлиниб, сайқал топишга улгурган экан. Юнон-Бактрия подшолиги даврида эса Турон рақс санъатининг довури Юнонистон, Византия, Хиндистон ва Хитой давлатларига етиб борган ҳамда улардаги рақс санъати билан тенгма-тенг рақобатлашган.

МАШҲУР УЧ МАКТАБ

Юртимизда рақс санъатининг ҳудудий йўналишларга бўлиниши Бухоро амирлиги,

Хива ва Қўқон хонлиқларининг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. XX асрдан бошлаб, мамлакатимизда миллий рақс унсурларига таянган балет дастурлари ҳам намоиш этила бошлади.

Насиба Мадрахимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Дунёда рақс турлари жуда кўп. Аксарияти қадимдан сайқал топиб, шаклланиб келмоқда. Бундан ташқари, сўнгги 20—30 йил ичида замонавий рақс усуллари ҳам вужудга келди. Ўзбек рақс санъатида асосан учта мактаб мавжуд. Булар — Фаргона, Бухоро ва Хоразм рақс мактаблари ҳамда қисман қорақалпоқ йўналиши бор. Мактабларнинг фақат ўзигагина хос хусусиятлари, йўналиш ва услублари бўлиб, улар бири-бирини такрорламайди. Масалан, Фаргона рақсларида ўша ҳудуд одамларига, урф-одатлари ва менталитетига хос ҳаракатлар бажарилади. Эътибор берган бўлсангиз, Фаргона йўналишидаги «Тановар» ва «Муножат» сингари миллий мақом қўшиқларида раққосалар юрагидаги дард, ҳасрат ҳаракатларда, нигоҳларда акс этади. Бироқ санъаткорлар қаддини тик тутиб, қўлларини баланд кўтариб, бошлари ҳам юқорига қараган ҳолда мағрур, оҳиста ва нозик хиром айланди.

Бухоро рақс мактабида эса раққосалар кескин, қатъий ҳаракатлар билан шўх ўйинга тушишади. Ерга ўтирган ҳолда бел ва гавдани айлантириш, елка ва бармоқларнинг кўп ҳаракати бу мактаб рақсларининг асосий элементи саналади. Бухоро рақсларида тиззада юриб, қўллар ва бош орқали ҳолатни, кайфиятни томошабинга етказиб бериш усуллари ҳам бор.

Хоразм рақслари эса жуда катта маҳорат ва сабр талаб этадиган, энг мураккаб рақслардан саналади. Бутун гавда, халқ тили билан айтганда, раққосанинг оёқ учидан соч толасигача қимирлаши талаб этилади. Сурнайнинг бир нафасда чалинган навоси, раққоса фантазияси, ўйноқи ҳаракатлар... бундай рақс дунёнинг ҳеч бир миллитида учрамайди! Ҳа, чиндан ҳам, халқимизнинг хурсандчилик кўнлариди, тўй-тантаналарда хо-

нинг дунёга танилишида Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Кундуз Миркаримова, Қизлархон Дўстмухамедовадек катта иқтидор эгаларининг ўрни бекиёс. Улар ижро этган рақсларни томоша қилганда эстетик завқ, маданий ҳордиқ олиб, руҳий энгиллик туямиз. Ёш раққосаларимиз эса ана шундай ижодкорларнинг издоши эканини унутмаслиги лозим...

Албатта, бугун юртимизда мусиқа маданиятини, рақс санъатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, 1947 йили ташкил этилган хореография билим юртига 1997 йили, Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони биноан, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби мақоми берилди. У ерда икки йўналиш: халқ рақслари ва мумтоз рақс бўйича маҳоратли раққосалар етиштирилади.

Халқ рақслари бўлими битирувчилари жойлардаги турли ансамблларда фаолият олиб боришмоқда. Мумтоз рақс бўлимини тугатганларнинг аксарияти эса оперетта ва Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида фаолият юритмоқда. Мумтоз рақс бўлимига ўқувчилар 5-синфдан бошлаб танлов асосида қабул қилинади. Бу бўлимда 8 йиллик ўқув жараёни жорий этилган.

Мактаб ўқувчилари ҳам ўрта махсус таълим, ҳам мутахассислик йўналишида таҳсил олишади. Халқ рақслари бўлимига эса ўқувчилар 8-синфдан қабул қилинади ва таълим 5 йил давом этади.

САНЪАТ ИЧРА БИР САНЪАТ

Шу ўринда жаҳон рақслари тарихига, уларнинг ўзига хослигига ҳам тўхталиб ўтсак. Сайёраимизнинг қўлбал машҳур саҳналарини безовчи вальс рақси Австрия (Вена)да пайдо бўлган экан. 1780 йили биринчи марта саҳна юзини кўрган бу «санъат ичидаги алоҳида санъат» тури тез ора-



са (Куба) сингари турлари кенг тарқалган.

Шарқда эса ўзининг тарихийлиги, соф миллийлиги билан япон рақслари деярли бир ярим минг йилдан буюн яшаб келяпти. Кунчиқор юрт рақсларида икки йўналиш: «май» (сокин ва оғир ҳаракатлар) ҳамда «одори» (кескин ва бир мунча қатъий ҳаракатлар) оммалашган...

Рақс санъати бутун дунёнинг ноёб маданий бойлиқларидан бири саналади. Шу боис ЮНЕСКОнинг Халқаро рақс кенгаши (International Dance Council — CID) ташаббуси билан 1982 йилнинг 29 апрелидан буюн Халқаро рақс кўни нишонлаб келинади. Бу сана рақс санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган балетмейстер ва назарийчи Жан-Жорж Новер (1727—1810) таваллуд кўни шарафига қўйилган.

Санъатнинг ажралмас бўғини саналган рақс инсониятнинг мафтун этишда, хушайфият улашишда давом этмоқда. Рақс санъатини аждоқлардан мерос ибод-ҳаё низолининг маънавий шамоллари ҳаракатга келтирган жозибасига уйғунлаштириш лозим. Ана шунда замонавий рақсларни ҳам дунёнинг исталган ҳудудида завқу шавқ билан томоша қилиш мумкин бўлади, шундагина бугунги рақсларимиз ҳам инсониятнинг том маънодаги маданий бойлигига айланади.

Шаҳина ЖўРАЕВА
«Ma'rifaat» мухбири



ЛУВР ЭКСПОНАТЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

Жорий йил охирида Франциянинг Ланс шаҳрида Париждаги Лувр музейининг биринчи худудий филиали очилиши кутилмоқда. «Индепендент» («The Independent») нашрининг хабар беришича, очилиш маросими-га пойтахт музейидаги 200дан ортқ санъат асари келтирилади ва илк кўргазма иш бошлайди.

Маълум қилинишича, бир неча ой ичида филиалга Луврда сақланаётган ва 2011 йили кенг қамровли таъмирлаш жараёнидан ўтган Леонардо да Винчи қаламига мансуб қатор суратлар жўнатилади. Яна таникли француз rassomi Эжен Делакруанинг «Халқни етакловчи озодлик» (1830 йил) сурати ҳам Лансдаги кўргазмадан жой эгаллайди. Энг қадимий экспонат эса милoddan аввалги 3,5 минг йил илгариги даврга тегишли Месопотамиядан топишган ва ёзувнинг илк намуналаридан бири сифатида эътироф этилаётган тахтача бўлади, дейишмоқда музей илмий ходимлари.

Кўргазма учун жўнатиладиган экспонатларнинг аксарият қисмини 5 йил давомида Лансда кўриш мумкин. Газетада ёзилишича, филиални ташкил этиш учун 122 миллион евро маблаг талаб этилди. Айни пайтда Абу-Даби (БАА) шаҳрида ҳам Луврнинг яна бир филиали қурилиши кетмоқда. Маълум қилинишича, унинг очилиши 2014 йилга мўлжалланган.

50 ЙИЛДА — 10 МИЛЛИОНТА ЯНГИ ТУР

39 нафар экспертни жамлаган Халқаро олимлар гуруҳи томонидан «Тизимлаш ва биохимла-хиллик» («Systematics and Biodiversity») журналида янги турларни аниқлаш бўйича жуда кенг қамровли лойиҳани амалга ошириш режаси баён этилган мақола эълон қилинди.



Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, бугун йилига 18 мингга яқин янги биологик тур аниқланыпти. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти экспедиция пайтида эмас, балки биологик музейлар архивларида «топишмоқда». Шу боис олимлар ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар умргузаронлик қилаётган ҳудудлар қисқариб бораётгани сабабли янги турларни тезроқ қайд этишга уринишмоқда. Янги лойиҳа доирасида 50 йилда 10 миллионга турни аниқлаш мақсад қилинганига ҳам айнан шу сабаб бўлди. Бунга эришиш учун эса янги турларни топиш тезлигини 10 баробардан ҳам ошириш талаб этилади. Бунинг учун жараёнда янги технологиялардан самарали фойдаланилади, хусусан, биринчи ўринда мавжуд жамланмалар рақамли шаклга ўтказилади, маълумотлар базасининг интеграцияси амалга оширилади ва янги турлар ДНК кетмакетлиги асосида аниқланади.

Экспертларнинг фикрича, мавжуд жамланмаларни тизимлашнинг ўзи маълум турлар сонининг кескин равишда ошишига олиб келади. Улар айни кунда дунёда мавжуд, лекин қайд этилмаган турлар сони 3 миллиардга тенг, деган тахминни илгари суришмоқда. Олимлар лойиҳа доирасида аниқланган ва мавжуд турлар учун умумлаштирилган маълумотлар базасида ҳисоб рақамини ташкил этишни ҳам режалаштиришмоқда. Базага янги турларнинг сурати, библиографик, генетик ва бошқа маълумотлар киритилади. Янги лойиҳанинг асосий майдони сифатида Британия табиий тарих музейини танлаш кўзда тутилмоқда. Маълумот ўрнида **реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар**



айтиш жоизки, бугун бу ерда 70 миллиондан ортқ экспонат (хусусан, дунёдаги энг катта ҳашаротлар коллекцияси ҳам) сақланади.

ЧИҚИНДИЛАР ИЧИДА ҚАРИБ КЕТАСАН

Испаниянинг Ачерра, Нола ва Марияно шаҳарлари ўртасидаги Кампания худудидида жойлашган юзлаб ноқонуний чиқинди ташлаш жойи яқин атрофда яшовчи аҳолининг тез қаришига сабаб бўлиши мумкин экан. Маҳаллий аҳоли ўртасида саратон билан касалланиш ҳолатлари юқори экани боис мазкур худуд «Ўлим учбурчаги» номини олган. Мавзуга оид мақола «Ген» («Gene») журналида чоп этилди.

Онкологик касалликлар билан биргаликда, бу худудга яқин яшовчи одамларда туғма нуқсонлар ҳам кузатишмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бунга сабаб 1230та ноқонуний ташкил этилган чиқинди ташлаш жойидир. Федерико II номидаги Неаполитан университети тадқиқотчиси Кармине Наппи раҳбарлигидаги мутахассислар маҳаллий аёлларни ва қўшни худудда яшовчи соғлом аёлларни икки гуруҳга жамлади. Сўнгра аёллар хромосомалари учларининг узунлиги ўлчанди. Таъкидланишича, инсон кексайгани сари, шунингдек, фаол килород шакллари (модда ионлари, эркин радикаллар, органик ва ноорганик водород пероксиди каби) таъсирида хромосомалар учлари қисқариб боради экан. Қисмлар ўта калта бўлса, бу юрак-қон томирлари хасталиклари ва деменция (орттирилган ақли заифлиги) борлигидан дарак беради.

Жараёнда чиқиндиларга яқин яшовчи аёлларда бошқаларга нисбатан хромосомалар учлари калта экани аниқланган. Айни пайтда олимлар чиқиндилар худудидан атроф-муҳит ва инсон организмга таъсир этаётган қандай моддалар бу каби салбий ҳолатга олиб келишини ўрганишмоқда.




ЁНИЛГНИ ТЕЖОВЧИ ЯНГИ КЕМА ЯРАТИЛАДИ

Япониядаги Токио университети олимлари «Винд чэлленжер» («Wind Challenger») лойиҳаси бошланиши натижасида катта кемаларга елканлар ўрнатиш ишлари қайта тикланиши мумкин экан. Таклиф этилаётган елкан қурилиши кенглиги 20 ва баландлиги 50 метр бўлган, қанотга ўхшаш йиғма қисмлардан иборат, деб ёзади «Диг Инфо ТВ» манбаси.

Компьютер моделлаштириш усули орқали янгича кеманинг Йокогама-Сизэт йўналиши бўйича ҳаракатланишида аввалгига нисбатан 30 фоизга кам ёнилғи сарфланиши аниқланди. Шу кунларда «Винд чэлленжер» кемасининг макети ишлаб чиқилди. Елканлар икки томонлама қаттиқ юзага эга бўлиб, уларнинг ўртасида эса бўшлиқ бор. Улар довул пайтида ҳам тез йиғилиши мумкин. Хар бир елкан майдони 1 000 квадрат метр бўлиб, улар самолёт қанотларига ўхшайди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, ҳозирга қадар илк синовлар ва дастлабки макетларнинг қурилиши якунланди. Ёнилғини тежайдиган кеманинг 2016 йилда очик денгизга чиқиши кутилмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Австралиядаги Квинсленд музейига шахсий коллекциядан тақдим этилган экспонатлар орасида Қадимги Миср фиръавни Ҳапунинг ўғли Аменхотепнинг папирусга битилган, бир қанча қисмлари океанортидаги Бостон нафис санъат, Нью-Йоркдаги Метрополитен ва Британия музейларида сақланадиган асарининг тасодифан аниқланган 20 метрлик бўлаги ҳақиқий эканлигини олим Жон Тейлор қайд этди.

Халқаро космик станцияда россиялик олимлар томонидан орбитадаги қурилмаларга жиддий зарар етказувчи, металл ва полимерларни емириб, ускуналарни ишдан чиқариши мумкин бўлган хавфли микро-организмлар аниқланди.

Берлин аэропортида номаълум сабабга кўра катта ёнгин чиқиб, учуш ва қўшни майдончасида тутун кўтарилгани туфайли самолётларнинг ҳаракат йўналишлари мажбурий равишда ўзгартирилди, аммо бу ҳолат парвозларнинг кечиктирилиши ёки бекор қилинишига таъсир кўрсатмади.

Европадаги энг йirik «HSBC» банки сарф-харажатларни камайтириш мақсадида Буюк Британиядаги филиалларида фаолият кўрсатувчи 3167 нафар ходимни — асосан ўрта ва олий бўгин менежерларини ишдан бўшатишини маълум қилди, деб ёзади мамлакатнинг «Телеграф» нашри.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари ва Педагогика ва психология факультети жамоаси «Психология» кафедраси мудири доцент Н.Камиловага онаси

Раъно КАМИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«STEEL PANTERA» МЧЖ ЯНГИ АУДИО-АЛЬБОМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Зулхумор Мўминова ижросидаги

«Шарқ эртаклари»

янги аудиоальбоми

сотувга чиқарилди.

Шунингдек, сиз дўконларимиз

тармоғидан «Ўзбек халқ эртаклари»,

Шафур Фуломнинг «Шум бола»

асари ва бошқа аудиоальбомларни

харид қилишингиз мумкин.



Бизга қуйидаги телефон орқала мурожаат қилинг:
(+99871) 245-70-86.

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ

буни ҳар бир ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бирдек билиши зарур

Ҳаёт ва саломатлик инсон учун энг улуг' неъматдир. Шундай экан, узок умр кўриш, сиҳат-саломатлик ҳар бир киши учун бахт-саодатдир. Унинг меҳнат унумдорлиги, оиланинг, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, миллий хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини ри-вожлантиришнинг муҳим шартидир. Аммо замонавий турмуш тарзи, кишлоқ ҳўжалиги ва са-ноатнинг жадал равишда механизациялашуви, йилдан-йилга транспорт воситаларининг сони ортиб бориши аҳолининг ҳаёти хавфсизлигига янада жиддий эътибор қаратишни талаб эта-ди. Носоглом турмуш тарзи, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар, йўл-транс-порт ҳодисалари туфайли жароҳатланиш, турли хил касалликлар, сезиларли даражада моддий ва маънавий йўқотишлар, ҳатто қурбонларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай нохуш ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари тахлили шуни кўрсатадики, кўнгилсиз во-қеалар аҳолининг ўз ҳаёти ва са-ломатлигига бефарқлиги, фавку-лодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилиш бўйича билимга эга эмаслиги, йўл ҳаракати қоидалари-га амал қилмаслиги туфайли рўй беради. Сувнинг оқиб туриши, бу хавфни ёки йўқми? Сиз сув-нинг ёнғин ҳодисасига сабаб бўлиши мумкинлигини тасаввур қила оласизми? Йўқ! Лекин бу ҳақиқат. Мана, мисол.

Сиз бир неча кунга дала ҳов-лингизга кетдингиз, дейлик. Сув эса аста-секин оқиб туриб, розет-кагача етиши мумкин, шунда қисқа туташув содир бўлиб, ёнғин келиб чиқади.

Яна бир мисол: меҳмонга шоша туриб, газ плитасини тўлиқ ўчирмадингиз. Дераза ёниқ, газ эса, табиийки, биринчи навбатда ошхонада тўпланади. Меҳмондан қайтган, ошхонага кириб чироқни ёқасиз. Бундай ҳолда ёнғин, ҳатто бундан дахшатлироқ ҳодиса

содир бўлиши мумкин. Шундай экан, тўғри ҳаракатингиз қандай бўлиши лозим? Газ ҳиди чиқиб турганини сезиб қолдингизми, да-рҳол хонани шамоллатиш, электр асбобларидан фойдаланмаслик ва чироқни ўчириб ёқмаслик керак. Газ плитасида овқат тайёрланаёт-ганда қайнаётган суюқликка қараб туриш ва қайнаган, дарҳол оловни пасайтириш лозим, чунки қайнаётган суюқлик тошиб оловни ўчириб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда газ билан заҳарланиш ҳодисаси содир бўлади.

Шунингдек, газ конфоркалари-ни доимо тозалаб туриш лозим. Олов зангори ва раво бўлиши керак. Агар сариқ ёки қизғиш бўлса, билингки, ёниш жараёни нотўғри бўлаяпти. Киш вақтида томлардан осилиб турган чирой-ли «сумалак» оилаб даволанишни талаб этадиган жароҳатларга олиб келиши мумкин. Катта ҳаёт таж-рибасига эга бўлган ёши улуг' кек-саларимиз кўп қаватли уйлارга яқинлашган, тўхтаб юқорига бир қараб оладилар.

Улар нимадан хавотирда? Асли-да қариялар чиройли «сума-лак»ларни томоша қилиш учун эмас, аксинча, танланган йўлла-ри хавфсиз эканлигига, юқорида уларга ҳеч қандай хавф мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам юқорига бир қараб ола-дилар.

Яна бир бахтсизлик сабаби — болаларнинг уй, мактаб, бинолар-нинг айовон деразаларидан, том-лардан йиқилишларидир. Бундай ҳол содир бўлмаслиги учун дера-заларни чиқиб қўймаслик лозим. Хоналарни шамоллатиш учун дера-за дарчалари очиқ турса кифоя.

Ёнғин ҳам катта зарар кўриш-га, ҳатто одамларнинг нобуд бўли-шига олиб келади. У турли сабаб-лар туфайли рўй беради. Ёнғинлар барча ерда — боғчалар, мактаб-лар, турар жойларда, қорхоналар-да, кишлоқ ҳўжалиги объектлари-да содир бўлиши мумкин. Тегир-монлардаги ун, қанд заводидаги қанд упаси, ёгончи қайта ишлаш қорхоналаридаги ёгон қишлоқлари ва бошқалар ёнғинга сабаб бўлиши

мумкин. Ёнғин содир бўлмаслиги ўз қўлимизда.

Ёш болаларнинг гуғурт ўйна-ши, печкаларни ёқишда бензин, керосин каби воситалардан фой-даланиш, кийим ва буюмларни олов ёниб турган жойларда порт-лаш хавфи мавжуд бўлган модда-лар билан тозалаш, ёнғин чиқиш хавфи мавжуд жойларда сигарет-та қолдиргани ташлаш ва оловдан нотўғри фойдаланиш (шам, лам-па ва бошқалар), ёнғин ёнуви суюқликларни иссиқлик манбаи ёнига қўйиш, арчани безатишда қўлбола электр ўйинчоқлардан фойдаланишга йўл қўймаслик ло-зим. Электр мосламаларнинг но-созлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш ёнғин чиқишининг яна бир сабабидир.

Хавфсизлик қоидаларини мен-симаслик оқибатида одамларга ёруғлик ва энергия берувчи ҳузур-баш манба баъзида кулфат сабаб-чиси айланади. Электр асбоб-лари нотўғри ишлатганининг би-ринчи белгиси ёнаётган резина, учкун пайдо бўлишидир. Бундай ҳолатни сезишингиз билан дарҳ-ол электр асбобларини ўчиришин-гиз ёки тегишли идораларга ха-бар беришингиз лозим.

Ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун юқоридаги қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади. Ёнғ му-ҳими, ёнғин чиқмаслиги учун, авва-ло, ўзингиз ёнғин сабабчиси бўлмаслигингиз зарурлигини до-имо ёдда сақланг.

Ш.НОРОВ,
Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси методисти

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Ёнғинни тилсиз ёв, деб бе-худа таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаётига, мол-мулкка замин бўладиган офат-лар ичда энг хавфлисидир. Ло-қайдлик, эътиборсизлик оқибат-ида содир бўладиган бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тахлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисаларга носоз, қўлбола газ мосламаларни ишлатиш, хав-фсизлик қоидаларига риоя қил-маслик каби ҳолатлар асосий сабаб бўлаяпти.

Масалан, 2012 йил 11 фев-раль куни Ҳамза тумани Қаш-қадарё қўчаси 3-уйда содир бўлган ёнғин оқибатида хона-доннинг 50 квадрат метр май-дони ёнган. Яна ушбу кўчанинг 1-а уйи том қисмида 20 квад-рат метр майдон ҳам ёнган. Су-риштирув ишлари ёнғин хона-дон эгалари томонидан қўлбо-ла мой ёқилғилари билан иш-лайдиган иситиш печидан фой-далангани сабаб юзага келга-нини кўрсатди.

Фаразларимиз тарбиясига, уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишда ҳеч вақт эринмаслигимиз даркор. Озгина эътиборсизлик қилиб, сўнг пушаймон бўлгандан кўра бугун шундай нохуш ҳодисалар содир бўлишининг олдини ол-ган маъкул.

Зокир БОЙМАТОВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори

2012-2013 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган 1-MRT-2012/1-рақамли Тендер савдоларида ғолиб бўлган нашриёт рўйхати

Лот	Дарсликлар номи	Тили	Син-фи	Адади	Ғолиб нашриётлар номи
1	Алифбе	ўзбек	1	423 970	«Шарқ» НМАК
8	Ёзув дафтари	ўзбек	1	423 970	«Ўзбекистон» НМИУ
15	Она тили	ўзбек	1	423 970	«Ўзбекистон» НМИУ
17	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	1	9 979	«Шарқ» НМАК
22	Ўқиш китоби	ўзбек	1	423 970	«Ўзбекистон» НМИУ
31	Атрофимиздаги олам	ўзбек	1	423 970	«Ўзбекистон» НМИУ
		рус		54 471	«Ўзбекистон» НМИУ
		қорақалпоқ		9 979	«Ўзбекистон» НМИУ
		қозоқ		6 752	«Ўзбекистон» НМИУ
		тожик		8 208	«Ўзбекистон» НМИУ
		киргиз	1	976	«Ўзбекистон» НМИУ
		туркман		874	«Ўзбекистон» НМИУ
33	Азбука этики	рус	1	54 471	«Янгийўл полиграф сервис» МЧК
38	Русский язык	рус	2	53 734	«Ўзбекистон» НМИУ
39	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	2	10 254	«Ўзбекистон» НМИУ
44	Книга для чтения	рус	2	53 734	«Ўзбекистон» НМИУ
45	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	2	10 254	«Ўзбекистон» НМИУ
		ўзбек	2	418 493	«Ўзбекистон» НМИУ
		рус		53 734	«Ўзбекистон» НМИУ
		қорақалпоқ		10 254	«Ўзбекистон» НМИУ
		қозоқ		6 282	«Ўзбекистон» НМИУ
		тожик		8 159	«Ўзбекистон» НМИУ
		киргиз	2	876	«Ўзбекистон» НМИУ
		туркман		916	«Ўзбекистон» НМИУ
51	Азбука этики	рус	2	53 734	«Янгийўл полиграф сервис» МЧК
54	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	3	9 749	«Ўзбекистон» НМИУ
		ўзбек	3	412 984	«F.Ғулом» НМАК
		рус		50 337	«F.Ғулом» НМАК
		қорақалпоқ		9 749	«F.Ғулом» НМАК
		қозоқ		6 244	«F.Ғулом» НМАК
		тожик		8 087	«F.Ғулом» НМАК
		киргиз	3	862	«F.Ғулом» НМАК
		туркман		889	«F.Ғулом» НМАК
67	Азбука этики	Рус	3	50 337	«Ўзбекистон» НМИУ

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан 2-MRT-2012-рақамли тендер савдоларида ғолиб бўлган нашриётлар рўйхати

Лот	Дарсликлар номи	Синфи	Тили	Адади	Ғолиб нашриётлар номи
1	Букварь	1	рус	54 471	«Ўзбекистон» НМИУ
4	Алифбе	1	киргиз	976	«Ўзбекистон» НМИУ
5	Алифбе	1	тожик	8 208	«Ўзбекистон» НМИУ
6	Алифбе	1	туркман	874	«Ўзбекистон» НМИУ
7	Пропись	1	рус	54 471	«Ўзбекистон» НМИУ
8	Ёзув дафтари	1	қорақалпоқ	9 979	Ўқитувчи НМИУ
9	Ёзув дафтари	1	қозоқ	6 752	«Ўзбекистон» НМИУ
10	Ёзув дафтари	1	киргиз	976	«Ўзбекистон» НМИУ
11	Ёзув дафтари	1	тожик	8 208	«Ўзбекистон» НМИУ
12	Ёзув дафтари	1	туркман	874	«Ўзбекистон» НМИУ
13	Русский язык	1	рус	54 471	Ўқитувчи НМИУ
14	Она тили (Ana tili)	1	қозоқ	6 752	«Ўзбекистон» НМИУ
16	Она тили (Забони модари)	1	тожик	8 208	«Ўзбекистон» НМИУ
18	Книга для чтения	1	рус	54 471	«Ўзбекистон» НМИУ
21	Ўқиш китоби (Оқу китеби)	1	киргиз	976	«Ўзбекистон» НМИУ
22	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	1	тожик	8 208	«Ўзбекистон» НМИУ
		1	ўзбек	423 970	«F.Ғулом» НМИУ
			рус	54 471	«F.Ғулом» НМИУ
			киргиз	9 979	«F.Ғулом» НМИУ
			тожик	6 752	«F.Ғулом» НМИУ
			туркман	8 208	«F.Ғулом» НМИУ
		2	қорақалпоқ	976	«F.Ғулом» НМИУ
			қозоқ	874	«F.Ғулом» НМИУ
			ўзбек	423 970	«F.Ғулом» НМИУ
			рус	54 471	«F.Ғулом» НМИУ
			киргиз	9 979	«F.Ғулом» НМИУ
		3	тожик	6 752	«F.Ғулом» НМИУ
			туркман	8 208	«F.Ғулом» НМИУ
			қорақалпоқ	976	«F.Ғулом» НМИУ
			қозоқ	874	«F.Ғулом» НМИУ
			ўзбек	418 493	Ўқитувчи НМИУ
30	Она тили	2	ўзбек	418 493	Ўқитувчи НМИУ
31	Она тили (Ana tili)	2	қозоқ	6 282	Ўқитувчи НМИУ
32	Она тили (Забони модари)	2	тожик	8 159	Ўқитувчи НМИУ
33	Она тили (Эне тили)	2	киргиз	876	«Ўзбекистон» НМИУ
34	Она тили (Ene dili)	2	туркман	916	«Ўзбекистон» НМИУ
35	Ўқиш китоби (Оқу китеби)	2	қозоқ	6 282	«Ўзбекистон» НМИУ
36	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	2	тожик	8 159	«Ўзбекистон» НМИУ
37	Ўқиш китоби (Оқу китеби)	2	киргиз	876	«Ўзбекистон» НМИУ
38	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	2	туркман	916	«Ўзбекистон» НМИУ
39	Она тили	3	ўзбек	412 984	Ўқитувчи НМИУ
40	Русский язык	3	рус	50 337	Ўқитувчи НМИУ
41	Она тили (Ana tili)	3	қозоқ	6 244	Ўқитувчи НМИУ
42	Она тили (Забони модари)	3	тожик	8 087	Ўқитувчи НМИУ
43	Она тили (Эне тили)	3	киргиз	862	«Ўзбекистон» НМИУ

“Умид ниҳоллари—2012”:

МЕЗБОНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Хабарингиз бор, “Умид ниҳоллари-2012” спорт мусобакаларининг республика босқичига Навоий шаҳри мезбонлик қилади. Табиийки, мана шундай улкан спорт фестивалида юқори натижаларга эришиб, мухлисларни хурсанд этиш, юқори ўринларни эгаллаш учун мезбон вилоят жамоалари тайёргарлик жараёнига икки карра кўпроқ масъулият билан киришган.

Жумладан, айни кунларда Навбахор туманининг ёш спортчилари ҳам мусобакаларининг республика босқичига қизгин тадорик кўришмоқда.

Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди ташкил этилган тўғрақ машгулотларида мунтазам қатнашиб келаётган ўқувчилар “Умид ниҳоллари—2012” финал мусобақасига вилоят миқёсда ўтказилаётган турнирларда фаол иштирок этиш орқали жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

Навоий шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган волейбол ва стол теннис мусобақаларида ҳам туман ўқувчилари 2-ўринга, Кармандада ўтган кўл түпи бўйича мусобақаларда 3-ўринга

муяссар бўлишди. Туман жамоасининг аксариятини спорт мактаби ўқувчилари ташкил этаётгани, қувонарли.

Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган волейбол, стол теннис ва шахмат бўйича очик биринчиликда ҳам туман жамоаси таркибидида мактаб ўқувчилари зафар кўчишди. Улар стол теннис бўйича фахрли 1-ўринни, волейбол бўйича 2-ўринни ва шахмат бўйича 3-ўринни кўлга киритишди. Спорт мактабидан чиққан иктидорли ўқувчилар энди мусобақанинг республика босқичига жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

— Ўқувчиларимизнинг эришаётган бу ютуқларида мураббийларнинг ҳиссаси жуда катта, — дейди БЎСМ директори И. Ибрагимов. — Стол теннис бўйича Шокир Эшимов, кўл түпи бўйича Тўрамурад Мирзаев, футбол бўйича Анвар Тоиров ва Бурҳон Бобоноров каби мураббийларнинг шогирдлари кетма-кет мусобақа ғолиблари бўлиб, мактабимиз фахрига айланишди. Мураббийларимизнинг ўз иқтидорини тўла намоён этишлари учун эса яратилган шароит, берилаётган имтиёзу имкониятлар ўзгача аҳамият касб этмоқда. Устой-мураббийлар ўқувчиларга “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг мазмун-моҳиятини тушунтираркан, унинг энг аввало, дўстлик, бирдамлик байрами эканини таъкидлашади. Шундай улкан тадбирлар орқали мамлакатимиз ёшлари спортга янада кўпроқ меҳр қўяди, нуфузли мусобақаларда ғолиб киши учун тинимсиз меҳнат қилиб, ўз саломатлигини ҳам мустаҳкамлаб боради.

Раъно РАБИМОВА

МУРАББИЙ ИБРАТИ

спортга қизиқишни оширишда муҳим омил

Хукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор, табиийки, спорт мураббийлари ва jismoniy tarbiya ўқитувчилари зиммасига ҳам бир қатор янги вазифаларни юклайди. Болалар қалбига йўл топиш, кичик ёшдаюқ уларни соғлом турмуш тарзи қоғдаларига ўргатиб бориш учун мураббий тинимсиз изланиши, ўзига хос педагогик ёндашувлар асосида иш кўриши лозим. Ана шу масъулиятни тўғри англаб, замон билан ҳамқадам бораётган ўқитувчилардан бири Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманидаги 8-умумтаълим мактабининг jismoniy tarbiya ўқитувчиси Барно Раҳимовадир.



Б.Раҳимова ўқувчилар йилларидаёқ жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш борабаридида спорт мусобақаларида ҳам яхши кўрсаткичларни кўлга киритди ва мактаб жамоаси эътиборига тушди.

1984 йили у мактабни тамомлаб, Тошкент давлат jismoniy tarbiya институтига ўқишга кирди. Талаблик даврида эса олий ўқув юртилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳам Барно ўз салоҳиятини тўла намоён этиш олдди. Институтни тамомлаб, Яқобов туманидаги болалар спорт мактабиди мураббий сифатида иш бошлаган ёш

ўқитувчи 4 йиллик фаолиятдан сўнг 77-умумтаълим мактабига jismoniy tarbiya ўқитувчиси сифатида ишга тақлиф қилинди. Шу йиллардан бошлаб унинг шогирдлари турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, туман ҳамда вилоят биринчиликларида яхши натижаларни кўлга киритар, бу эса мураббийнинг меҳнати бе-самак кетмаётганидан далолат беради.

— Айни кунда мен Шахрисабз туманидаги 8-умумтаълим мактабиди ишлайман. Бу мактабда ишлаш жуда мароқли, чунки ўқувчиларнинг спортга қизиқиши кучли, — дейди Барно

Раҳимова. — Улар спортнинг кураш, баскетбол, таэквондо каби турлари бўйича вилоят чемпионатлари, Осиё мусобақаларида иштирок этиб, яхши натижаларни кўлга киритган ҳолда қайтишмоқда. Бугун уларнинг ютуғини кўриб, кўнглим ғурур ва ҳавасга тўлади. Чунки ҳозир юртимиз бўйлаб қандан-қачан мен каби аёл мураббий ва jismoniy tarbiya фани ўқитувчиларнинг орзу-умидлари шогирдлари камолди раўбага чиқмоқда. Бу эса хотин-қизлар спорт ва аёл мураббийлар фаолиятини тақомиллаштиришга хукуматимизнинг алоҳида

эътибори натижасидир.

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчи мактабда “Умид ниҳоллари” мусобақалари, буюк аждодимиз Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказиладиган беллашувлар ҳамда бошқа спорт тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этгани боис унинг ташаббуслари алоҳида аҳамиятга эга. Эътиборлиси, унинг ўзи биринчи галда қатор мусобақаларда қатнашиб, шогирдларига ўрнак бўлмоқда. Жумладан, 2006 йили Шахрисабз туманида бўлиб ўтган Хотин-қизлар спартакиадасининг вилоят босқичида югуриш бўйича мусобақа шохсупаси Б.Раҳимовага nasib этди. 2010 йили Хотин-қизлар спорт мусобақасининг вилоят биринчилигида югуриш ҳамда волейбол бўйича қатнашиб, 1-ўринни кўлга киритди. 2010 йил 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида Барно Раҳимова “Халқ таълими аълочилиси” кўрак нишони билан тақдирланди. Кўплаб иктидорли шогирдларни тарбиялаш орқали Б.Раҳимова юртимиз спортини жаҳонга танитишда муносиб ҳисса қўшаётгани шубҳасиз.

Висола ҚАРШИБОВА



ИСПАНЧА ФИНАЛ КЎРАМИЗ

Футбол бўйича Европа лигаси бош соврини учун кечаётган мусобақалар финалига Испаниянинг икки клуби: «Атлетико» (Мадрид) ҳамда «Атлетик» (Бильбао) йўл олди, деб хабар берди УЕФА расмий сайти.



Мадридликлар жавоб ўйинида ҳам «Валенсия» клубига имконият қолдирмай, мезбонлардан 1:0 ҳисобида устунликка эришдилар. Учрашунинг 60-дақиқасида урилган

ягона голга ҳужумчи Адриан Лопес муаллифлик қилди. Эсингизда бўлса, биринчи ўйинда «Атлетико» 4:2 ҳисобида зафар қучганди.

Бу йилги мавсумни фантастик даражада ўтказётган бильбаоликлар эса ўз майдонида Лиссабоннинг «Спортинг» жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бундан аввал бўлиб ўтган учрашувда «Спортинг» 2:1 ҳисобида устунликка эришганди.

Европа Лигасининг финал ўйини 9 май куни Бухарест миллий стадионида бўлиб ўтади.

КУТИПМАГАН МАҒЛУБИЯТ

Штутгардда бўлиб ўтаётган WTA таснифидаги теннис турнирининг иккинчи давра баҳсларида даниялик Каролина Возняцки кутилмаганда германиялик Анжелика Керберга имкониятни бой берди.

1 соат давом этган ўйинда Кербер рақибасидан ҳар томонлама устун эканини исботлади, якуний ҳисоб 6:1, 6:2 кўринишини олди. Турнирнинг навбатдаги баҳсида Кербер чехиялик Петра Квитовага қарши кўртга тушади.

Шунингдек, Испаниянинг Барселона шаҳрида теннис бўйча ўтказилаётган яна бир улкан халқаро турнирнинг нимчорак финал учрашувиди Рафаэль Надаль колумбиялик Роберт Фаруни 6:2, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди Надаль сербиялик Янко Типсаревичга қарши майдонга тушади.

ВЕЛОСИПЕДЛАР
“КИМУЗАРИ”

Сўнгги йилларда «экологик соф» спорт тури сифатида эътироф этилаётган велоспортни оммалаштиришга улкан аҳамият берилмоқда. Ана шундай мақсадларга йўналтирилган «Тур Романдия» кўпкунлик велосипедларнинг иккинчи босқичида «Sour-Sojasun» жамоаси вакили франциялик Жонатан Ивер зафар қучди.



27 ёшли велосипойгачи Франциянинг Монбельяр шаҳридан то Швейцариянинг Мутье шаҳригача бўлган 149,1 километрлик масофани 3 соату 48 дақиқа, 11 сонияда босиб ўтди. Маррага иккинчи бўлиб португалиялик Руй Кошта («Movistar»), учинчи бўлиб Луис Леон Санчес («Rabobank») етиб келди.

Эслатиб ўтамиз, кўпкунлик велосипойганинг учинчи босқичида спортчилар Ла-Нёввилядан Гальмиц шаҳригача бўлган 157,6 километрлик масофани босиб ўтишлари талаб этилади.

ШОҲСУПАДА ХОРАЗМЛИК
ҚИЗЛАР

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган аънаванавий «Баҳор маликалари» енгил атлетика спорт мусобақасида хоразмлик қизлар муваффақиятли иштирок этишди.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун 1998-1999 йилларда тугилган қизлар ўртасида ўтказилган мазкур спорт мусобақаси кескин курашларга бой бўлди, — дейди олий тоифадаги ҳакам С.Асқаров. — Мазкур жараёнда шовотлик тажрибали мураббий Эркабой Аҳмедов тайёрлаган хоразмлик спортчи қизларнинг маҳорати яққол намоён бўлди.

Енгил атлетиканинг 8 тури бўйича ўтказилган беллашувларда Хоразм вилояти вакиллари жами 12та совринни ўринни эгаллашди. Жумладан, уларга битта 1-ўрин, тўққизта 2-ўрин, иккита 3-ўрин nasib этди. Воҳа терма жамоаси аъзоларидан Азиза Эшматова, Комила Ражабова, Иқбол Султонова, Муниса Ҳасанова ва Феруза Абдуллоева шохсупага кўтарилиш баҳтига муяссар бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

КУРАШ МАЛИКАЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимиз спортини қизлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улардаги ҳавас қилгули азму-шижоат натижаси ўлароқ, қизларимиз бугун жаҳон спорт ареналарида ҳам ғолиблик нашидасини суриб, юртимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.

Яқинда Урганч туманидаги «Пахлавон» болалар спорт мажмуасида кураш билан шугулланидиган 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида «Кураш маликалари» вилоят очик турнири бўлиб ўтди. Мазкур беллашувда Урганч шаҳри, Хонқа, Янгибозор ва Урганч туманларидан ташриф буюрган 9та жамоа сафида ўттиз нафарга яқин иштирокчи куч синашди.

— Бешта шартни ўз ичига олган баҳсларда қизларнинг эпчиллиги яққол кўзга ташланди, — дейди кўрик-танлов бош ҳаками, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Баҳодир Бекжонов.

Кўрик-танловда 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси, кураш ва самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони Мунира Болтабоева 1-ўринга сазовор бўлди. Урганч туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шодия Раҳимовага 2-ўрин nasib этди. Фахрли 3-ўринни эса икки нафар иштирокчи Мухлиса Рўзимова (Урганч туманидаги 43-ўрта мактаб ўқувчиси) ҳамда шу тумандаги 12-мактаб ўқувчиси Бахтигул Ражабова эгаллади.

Яқинда ғолиб ва совриндорларга «Адолат» социал-демократик партияси Урганч тумани кенгаши, туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, «Пахлавон Маҳмуд» хайрия жамғармасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



Китоб миллатнинг қалб ва ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Сизга тақдим этилаётган буюк ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг бебаҳо дурдоналаридан бебаҳра қолманг!

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29, 241-48-67, 241-25-24. Web-сайтимиз: www.iptdgulom.uz E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEXS: 149, 150. G-418.

Tiraji 49949.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Baxtiyor YOQUBOV.

Navbatchi: Sherati NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:

«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

Ula yuqum — 21.35

Topshirildi — 21.50